

Закурлаев Абдумутал Каримович

**Халқаро Исломий ташкилотлар, уларнинг фаолияти
хақида қисқача тушунча.**

**Ўзбекистонда ғайриқонуний фаолият кўрсатаётган
диний экстремистик ва террорчи ташкилотлар.**

Ўқув-услубий қўлланма

Тошкент –2009 йил

Ўқув –услубий қўлланма

Мундарижа

Биринчи боб. Умум муслмон сиёсий ташкилотлар.

- 1.1. Ислом конференцияси
- 1.2. Ислом олами уюшмаси
- 1.3 Ислом олами конгресси

Иккинчи боб. Минтақавий сиёсий ташкилотлар.

- 2.1 Араб давлатлари лигаси
- 2.2 Осиё муслмонлари қўмитаси
- 2.3 Форс кўрфазидаги Араб давлатлар ҳамдўстлик кенгаши
- 2.4 Африка-Осиё ислом ташкилоти

Учинчи боб Умум муслмон молиявий ташкилотлар.

- 3.1. Нефть экспорт қилувчи араб давлатлари ташкилоти
- 3.2. Қувайт халқаро хайрия жамғармаси
- 3.3 Араб иқтисодий тараққиётининг Қувайт фонди
- 3.4 Араб валюта фонди
- 3.5. Ислом тараққиёт банки
- 3.6 Араб иқтисодий бирдамлик кенгаши
- 3.7. Иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг Араб фонди
- 3.8 Африка иқтисодий тараққиётининг Араб банки

Тўртинчи боб Норасмий террорчи (экстремистик) сиёсий ташкилот ва оқимлар.

- 4.1. Ваҳобийлик радикал оқим
- 4.2. Ҳамас диний радикал гуруҳ
- 4.3. Нур ҳаракати
- 4.4. Ҳизбут-таҳрир экстремистик оқими
- 4.5. Акримийлар.
- 4.6. Ўзбекистон(Туркистон)Ислом ҳаракати
- 4.7. Жамоати Таблиғ.
- 4.8. Ислом давлати ҳақида қисқача тушунчалар

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

XXI-аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам собит-қадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур.¹

И.А. Каримов

Чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда. Содир бўлаётган туб силжишлар дунёнинг ҳозирги қиёфасини ўзгариб юбормоқда. Халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахт саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори мана шундай ўзгаришларнинг ҳаракатга келтирувчи кучидир. Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахр-ифтихор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак. Собиқ иттифоқдаги Республикалардан биринчи бўлиб, президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгариш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг Республика бўлди.

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. Муқаддас орзу ушалди, Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир. Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий

¹ И.А. Каримов «Ўзбекистон XXI Аср быса\асида Хавсизликка ташдид, бар=арорлик шартлари ва та=иёт кафолатлари» Ўзбекистон*1997й 298 бет

эгаси бўлиб қолди. Республика ўз олтинини, бошқа нодир ва қиммат-баҳо металлларни мустақил қазиб чиқариб, қайта ишламоқда ва сақламоқда. Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Республикада демократик ҳуқуқий жамият асослари фаол равишда вужудга келтирмоқда. Аввалги яккаҳокимлик тизимининг иллатлари қатъиян тугатилмоқда. Кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш реал воқеликка айланмоқда. Ягона мафкуранинг яккаҳокимлигига барҳам берилди. Умум башарий қадриятларнинг устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бутун дунё тан олган маром ва қоидалари тобора кўпроқ қарор топмоқда.

Ўзбекистон мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистонни 200та давлат тан олган. Дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакат расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Тошкентда 40та мамлакат ўз элчихонасини очган. Бугунда кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда.

Ҳозирги замон халқаро алоқаларида халқаро ташкилотлар давлатлар ҳамкорлигининг шаклларида бири сифатида муҳим роль ўйнайди. Халқаро ташкилотлар тизимининг мураккаблашиб бориши ваколатларининг кенгайтирилиши табиий тус олмоқда. XXI Аср бошида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг сони

4000дан ортиқ бўлиб, 300таси ҳукуматлараро ташкилотлардир². Ўзбекистон Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди.³ Ўзбекистон иқтисодий ва молиявий ташкилотлар Халқаро валюта фондига, Халқаро қайта тиклаш ва ривожлантириш банкига ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлди.

Шарқ мамлакатлари билан ҳам ҳамкорликни ўрнатиб, Исломий ташкилотларга қизиқиш тобора ортиб борди. Ислом конференцияси, Ислом тараққиёт банки ва бошқа исломий ташкилотларга аъзо бўлиб, улар билан тадбирлар ўтказиб ва яқиндан алоқалар ўрнатиб келмоқда.

Умуман олганда Халқаро исломий ташкилотларнинг сони бир неча 100та сони мавжуд. Тарихда биз биламизки, Араб давлатларининг кўп қисми Европанинг давлатларининг колониялари бўлган. Улар мустақилликга эришганлардан кейин, Араб давлатлари бирлашиб, турли хил соҳалари, йўналишларига қараб Исломий ташкилотлар туздилар. Усманий турклар империяси тугаши билан Араб тарихида илк маротаба Ислом Олами Конгресси ташкил бўлди. Бу исломий ташкилотларнинг тузилишига илк қадам бўлди. Уларнинг йўналиши, тузилиши ва фаолияти хар хилдир. Уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

1. Умум мусулмон сиёсий ташкилотлар.
2. Минтақавий сиёсий ташкилотлар.
3. Умум мусулмон молиявий ташкилотлар.
4. Ноҳукумат террористик (экстремистик) сиёсий ташкилотлар.

² А. Саидов «Халқаро шуғу» «Адолат», «ИИВ Академияси»-2001 164 бет

³ И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент «Ўзбекистон 1998» 28 бет

1. Умум мусулмон сиёсий ташкилотлар. Бу универсал ҳисобланади ва барча мусулмон давлатлари иштирок этишлари мумкин. Бунга «Ислом конференцияси», «Жаҳон ислом уюшмаси» ва хоказолар киради.

2. Минтақавий сиёсий ташкилотлар. Маълум минтақада жойлашган давлатларгагина аъзо бўлишлари мумкин ташкилотларга бўлинади. Бунга «Араб давлатлар лигаси», «Осиё мусулмонлар кўмитаси», «Форс кўрфасидаги Араб давлатлар хамдўстлик кенгаши» ва бошқалар киради.

3. Умум мусулмон молиявий ташкилотлар. Бунга «Ислом тараққиёт банки», «Араб иқтисодий тараққиётининг Қувайт фонди», «Араб валюта фонди», «Қувайт халқаро жамғармаси», «Нефть экспорт қилувчи араб давлатлари ташкилоти», «Араб иқтисодий бирдамлик кенгаши», «Африканинг иқтисодий тараққиётининг Араб банки», «Иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг Араб фонди», «Дубай ислом банки» (1975 йилда ташкил топган), «Подшоҳ Аслон банки» (1977 йилда ташкил топган 2та штаб квартираси бор. Хартун ва Қохирада), «Ал-Барака ислом банки» (1970йилларда фаолиятини бошлаган, Истанбул, Тунис, Лондонда иш фаолиятини олиб боради), «Ислом молиявий ташкилоти» (1979 йил Багам оролда тузилган), «Иқтисодий хамкорлик ташкилоти» (Президентимиз шу мажлисда Ислом тараққиёт банки Бош котиби Ахмад Мухаммад билан учрашдилар)⁴

⁴ З. Муннаваров «Маърузалар тыплами»

4. Ноҳукумат террористик (экстремистик) сиёсий ташкилотлар. Бунга «Ҳизбут-таҳрир», «Нур ҳаракати», «Ваҳоббийлик», «Ҳамас» ва бошқа экстремистик ташкилотлар киради.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, мустақиллика эришганимиздан сўнг, комунистик ғоя барҳам топди. Натижада кўпчилик инсонларнинг онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлди. Шу фурсатдан фойдаланган айрим манфур, экстремистик оқимлар ўз ғаразли ниятларини инсонларнинг онгига таъсир қила бошладилар. Лекин ҳукуватимиз томонидан амалга оширилган тезкор ҳаракатлар натижасида, уларнинг ниятлари амалга ошмади. Аммо кўпчилик инсонлар ҳалқаро исломий ташкилотлар ҳақида билмаганлиги натижасида уларни ҳам, экстремистик ташкилотларга қўшиб қўймоқдалар. Оддий мисол «Араб давлатлар лигаси», «Жаҳон ислом уюшмаси» тўғрисида оддий инсонга булар тўғрисида сўз юритсак, улар тўғрисида билмаганлиги сабабли дарҳол экстремистик ташкилотларга киритиб қўядилар. Яна шуни айтиш керакки, Халқаро исломий ташкилотлар тўғрисида адабиётлар йўқлиги сабабли ва улар ҳақида чуқур маълумот йиғиб диссертациямни китоб шаклида чиқармоқчиман.

БИРИНЧИ БОБ: УМУММУСУЛМОН СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЛАР

1.1.ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ

Ислом конференцияси ташкилоти 1969 йилнинг 25 сентябрь куни Марокаш пойтахти Рабат шаҳрида мусулмон мамлакатларининг олий даражадаги мажлисида ташкил топган.

Ислом Конференция Ташкилоти низомига мувофиқ, унинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- Мусулмон бирдамлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш:

- Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилиш:

- Барча мусулмонларни ўз қадриятлари, мустақиллиги ва миллий ҳуқуқларини таъминлаш учун курашида қўллаб-қувватлаш:

- Фаластин халқи курашини қўллаб-қувватлаш:

- Ирқий дискриминация ва колониализмнинг барча шаклларига барҳам бериш:

- Адолатли асосида халқаро тинчлик ва барқарорликка кўмаклашиш:

- Ташкилотга аъзо мамлакатлар ва ўзга мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро англашувни рағбатлантириш.⁵

Ислом конференцияси аъзоларига кираётган мамлакатлар Низомда белгиланган вазифаларни бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади ва қуйидаги тамойилларга риоя қилади:

-Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама тўла тенглик:

-Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва уларнинг ички ишларига аралашмаслик:

-Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш:

-Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган можароларни тинч музокаралар, воситачилик, ярашиш ёки арбитраж орқали ҳал этиш:

⁵ Вазирлар Маъкамаси шузуридаги Дин ишлари =ымитаси маълумоти

-Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг Ислом Конференция Ташкилотига аъзо ҳар қандай мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва даҳлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч ишлатиш ёки таҳдид қилишдан ўзини тийиш.⁶

Давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари ислом дунёсининг энг долзарб масалаларини муҳокама этиш ва Ислом Конференция Ташкилоти сиёсатини мувофиқлаштириш мақсадида ҳар уч йилда бир марта ўтказиб турилади. Ҳозирги пайтда Эрон Ислом Республикасининг Президенти Саид Муҳаммад Хотамий Ислом Конференция Ташкилотининг раисидир.

Ташқи ишлар вазирларининг мажлислари йилда бир марта ёки зарурат туғилган пайтда Ислом Конференция ташкилотига аъзо мамлакатларнинг бирида ўтказилади ва унда ташкилотнинг асосий сиёсати белгиланади. 27-сессия 2000 йилнинг 27-30 июнь кунлари Куала-Лумпурда (Малайзия) бўлиб ўтди.

Бош Котибият ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида алоқани таъминлайди ҳамда консултациялар, фикр алмашувлар ташкил этишга, умумий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тарқатишга кўмаклашади. Бош Котибиятни Бош Котиб бошқаради ва у ташқи ишлар вазирларининг мажлисида тўрт йил муддатга сайланади.

Ҳозирги вақтда Абдулвоҳид Биназиз Ислом Конференция ташкилотининг Бош Котиби лавозимини эгаллаб турибди.

Халқаро ислом адолат суди Ислом Конференция ташкилотининг бош ҳуқуқий органи сифатида ташкил этилган ва унинг вазифаси можароларни кўриб чиқиш, низомни шархлашдаги келишмовчиликларни бартараф этиш ҳамда турли ҳуқуқий масалалар бўйича хулоса беришдир.⁷

⁶ Интернет «Ызгариб бораётган даврда ислом Конференцияси»

Ислом Конференция Ташкилоти –Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан 1975 йилдан бери Ислом Конференция Ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида кузатувчи мақомга эга. Ҳар йили Бош Ассамблея сессиясининг кун тартибига «БМТ ва Ислом Конференция Ташкилоти ўртасида ҳамкорлик» масаласи киритилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

1995 йилнинг январида Ислом Конференция Ташкилоти Бош қотибиятига мактуб юборилиб, унда Ўзбекистон Республикасига кузатувчи мақоми бериш сўралди. Ислом Конференция Ташкилоти ташқи ишлар вазирларининг 1995 йилнинг – октябрида Нью-Йорқда бўлиб ўтган навбатдан ташқари мажлисида Ўзбекистон кузатувчи мақоми берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мактубига асосан Ислом Конференция Ташкилоти ташқи ишлар вазирларининг 1996 йил 2 октябрда Нью-Йорқда бўлиб ўтган навбатдаги мувофиқлаштириш мажлисида Ўзбекистон ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинди.⁸

Интернет «Ўзгариб бораётган даврида Халқаро Исломий ташкилотлар»
⁸ Вазирлар Маъкамаси шузуридаги Дин ишлари бўлими маълумоти

1.2.ИСЛОМ ОЛАМИ УЮШМАСИ (ИОУ-ВИЛ)

Ислом олами уюшмаси-дунёнинг турли мамлакатларининг йирик мусулмон арбобларини бирлаштирган халқаро ислом ташкилотидир. У 1962 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Маккада бўлиб, Риёз, Жидда ва Мадина шаҳарларида ҳам бўлимлари мавжуд. Ислом Олами Уюшманинг Олий органи- Таъсис кенгаши бўлиб, унга 60 нафар диний арбоб киради. Амалда раҳбарликни Саудия Арабистони илоҳиётчилари орасида сайланадиган Бош котиб олиб боради. Ташкилотнинг мақсади Ислом таълимотини бутун дунёга тарқатишдир. Араб тилида «Ахбор ал-Олам ал-Ислом» (Ислом олами ахбороти) ҳафталик газетасини ҳамда араб ва инглиз тилларида «Робита ал-Олам ал-Ислом» журналинини нашр этади.⁹ Кенг миқёсдаги хайрия, инсонпарварлик фаолиятини олиб боради. Осиё, Африка ва Америка қитъаларининг 10 дан ортиқ мамлакатларида филиаллари мавжуд. Ислом Олами Уюшма ҳукуматга алоқадор бўлмаган барча халқаро ислом ташкилотларнинг раҳбар маркази бўлишига даъво қилади. Унинг ташаббуси билан чақирилган жаҳон ислом ташкилотларининг халқаро конференцияси (Макка, 1974 йил) ер куррасидаги ислом ташкилотлари фаолиятини координация қилиш Олий қўмитаси таъсис этди. Ислом оммавий ахборот воситалари Жаҳон конференцияси (Жакарта, 1980 йил) эса мусулмон оммавий ахборот воситалари Олий кенгашинини (қароргоҳи Маккада) таъсис этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида ҳукуматга алоқадор бўлмаган ташкилотлар мақоми ҳуқуқига эга. Ислом Олами Уюшмаси Бирлашган

⁹ Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси маълумоти

Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий-ижтимоий кенгаши ҳузурида ва маориф, фан, маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти ЮНЕСКО ҳузурида маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлиб, БМТнинг болалар фондига ҳам бадал пули ўтказди.

«Ифоса» ташкилоти билан бир қаторда Ислом Олами Уюшмаси таркибида Масжидлар олий кенгаши, Фикҳ кенгаши каби кенгаш ва ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатади. Ислом Олами Уюшма томонидан масжид имом-хатибларига алоҳида эътибор берилади ва улар орқали кенг кўламда ташвиқот ишларини олиб бориш учун ҳар қандай ёрдамлар кўрсатилади. Шу мақсадда Ислом Олами Уюшмасининг янги масжидлар қуриш ва эскиларини таъмирлаш учун бутун мусулмон давлатларга катта маблағлар ажратади. Бундан ташқари чет элларда Ислом Олами Лигасининг 34 бюроси ва 14 маркази Иордания, Индонезия, Малайзия, Мавритания, Сенегал, Габон, Конго, Маврикий, Франция, Швейцария, Дания, АҚШ ва Тринидад каби давлатларнинг пойтахтларида фаолият кўрсатади. 1992 йилда Ислом Олами Уюшмасида мусулмонлар камчиликини ташкил этувчи давлатлар билан ишлайдиган бўлим ҳам очилди.

1983 йилда Ислом Олами Уюшмаси томонидан Маккада имом ва даъватчилар олийгоҳи таъсис этилди. Ислом Олами уюшмаси даъватчилари сони ҳам муттасил ошиб бормоқда. 1979 йилда уларнинг сони 122 киши бўлса, 1994 йилнинг бошида 1093 кишига етди.

Саудия Арабистони ҳукумати Ислом Олами Уюшмасидан ислом динининг муқаддаслиги ва софлигини дунёга танитиш ҳамда обрўсини оширишга чақиради ва талаб қилади. Риёз ундан ўз ташқи сиёсатини маънавий ва маърифий томондан муҳим қуроли сифатида фойдаланади.

1995 йилнинг 30 декабрида 1996 йил 3 январга қадар ўтказилган Ислом Олами Уюшмаси таъсис кенгашининг 34-сессиясида қабул қилинган баёнотда Ислом Олами Уюшмасининг Марказий Осиёдаги мусулмон давлатлари билан турли соҳаларда алоқаларни ривожлантириш истаги таъкидланади.

1.3 Ислом олами конгресси

Кўплаб мусулмон мамлакатлари арбобларини бирлаштирувчи халқаро ислом ташкилоти, 1926 йилда Маккада ташкил этилган. Қароргоҳи Карочи шаҳри (Покистон)да. Ҳозирги вақтда 36 давлат вакилларини бирлаштирган. Ислом Олами Конгресси бош секретариати Иномуллоҳон (Покистонлик) ҳисобланади. Ислом Олами Конгресси фаолиятига мусулмонларнинг ҳар йилги Маккага зиёрати тугаган вақтда тўпланадиган Олий Кенгаш раҳбарлик қилади. Ислом Олами Конгресси бир қатор илмий тадқиқот марказлари орқали ислом тарихи, ақидалари, фалсафаси соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширишга раҳбарлик қилади, исломни «Ғарбга ҳам Шарққа ҳам қарши тура оладиган мустақил сиёсий кучга айлантириш» ғояларини тарғиб этади, ислом мавзуидаги нашрларни (хусусан, «Мусулмон олами» журнали) чиқариб туради, унинг ихтиёрида «Ислом овози» радиостанцияси мавжуд, журналда ва радиоэшиттиришларда ҳар хил руҳдаги пропаганда олиб боради.

Иккинчи боб: Умуммуслмон минтақавий ташкилотлар

2.1. АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ (АДЛ)

1943-1944 йиллари мобайнида Буюк Британия кўмаги ва Миср бошлигида умумараб ташкилотларини тузиш бўйича музокаралар олиб борилган эди. Бу музокараларда Ироқ, Трансиордания, Саудия Арабистони, Сурия, Ливан, Яман ва Фаластин вакиллари қатнашганлар. Мисрнинг бу каби музокараларни олиб борилишидаги ташаббускорлиги Буюк Британиянинг Мисрга христиан ғарби билан араб муслмон дунёси орасидаги кўприк вазифасини ўтовчи давлат сифатида қараши билан изоҳланади. Музокаралар натижасида юқорида номлари қайд этилган мамлакатлар Мисрнинг араб давлатлари лигасини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифга рози бўлдилар. 1944 йил сентябрь ойида улар бу ташкилот тузулмаси тўғрисидаги келишувга эришилган шаҳар Искандарияда йиғилганлар. Араб давлатлар лигасининг асосий вазифаси араб давлатлари орасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган.¹⁰

1945 йил 22 март Қоҳира шаҳрида араб давлатлари вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди, унда араб давлатлари лигасини ташкил қилиниши тўғрисидаги келишув баённомаси имзоланди. АДЛнинг асосчилари Миср, Саудия, Арабистон, Сурия, Ироқ, Ливан, Яман ва Трансиордания давлатлари эди. Кейинчалик лигага қуйидаги давлатлар қабул қилинди:

Ливия(1953 й.), Судан (1956 й.), Тунис ва Марокаш (1958 й.), Қувайт (1961 й.), Алжир (1962 й.), Жанубий Яман (1967-1990

¹⁰ Вази́рлар Мащкамаси шузурдаги Дин ишлари Ғымитаси маълумоти

йиллар икки Яман давлатларининг бир Яман республикасига бирлашиши бўлиб ўтди.), Сомали (1974 й.), Фаластин (1976 й.).¹¹

Араб Давлатлар лигаси бир қатор минтақавий ва халқаро муаммоларни ечилишида ижобий рол ўйнади. Шунингдек, у Фаластин араб халқининг ҳуқуқлари қайта тикланиши учун курашда муҳим ўрин эгалламоқда. Араб Давлатлар лигаси араблараро муаммоларни ечишда ўз ҳиссасини қўшади, бироқ бу ҳар доим ҳам муваффақиятли бўлавермайди. Масалан, Ироқнинг Қувайтга қарши агрессияси. Шундай бўлса ҳам у араблараро келишув ва араб давлатлари билан хориж орасидаги ҳамкорликни тиклашга ҳаракат қилмоқда. Ушбу мақсадларга эришиш учун Араб Давлатлар лигаси бутун қитъалардаги 20 дан ортиқ мамлакатларда ўз ваколатхоналарини очдилар. Араб Давлатлар лигаси ўз фаолиятида қийин ва инқирозли вазиятларга кўп учраган. Шундай вазиятлардан бири 70-йилларнинг охирида лиганинг йирик вакили бўлмиш Миср давлати Исроил билан тинчлик имзосини чекганда пайдо бўлган

(Кемп-Девид келишуви). Ушбу келишувдан сўнг бошқа араб давлатлари томонидан Араб Давлатлар Лигаси штаб-квартирасини Қоҳирадан Тунисга кўчиришга қарор қилган.¹² Миср Араб Республикасининг янги сиёсий раҳбари Хусни Муборак, шунингдек бир қатор араб давлатларининг раҳбарлари, хусусан Иордания қироли Хусайн бин Талал, Марокаш қироли Хасан П, Мисрнинг Араб Давлатлар лигасига қайтадан кириш ва унинг бош офисини Қоҳирага қайтаришга ҳаракат қилдилар. Бу қийин масала фақат 1990 йил буткул ечим топди. Араб Давлатлар лигаси нинг обрў-эътибори ва бирдамлигининг йўқолишига яна бир сабаб, Ироқнинг Қувайтга қарши ҳаракати бўлди. Афсуски, Араб Давлатлар лигаси Ироқнинг Қувайтга нисбатан

¹¹ Интернет www.Лига Арабских Государств mail ru

¹² З. Мунавваров «Маърузалар тыплами»

муносабатини ўзгартира олмади, чунки бу масала Араб Давлатлар лигасининг ўзида ҳам бирдамлик ва ҳамфикрлилик йўқ эди.

Лекин нима бўлган тақдирда ҳам бугунги кунда Араб Давлатлар лигаси араблараро йирик ва асосий сиёсий-иқтисодий ва маданий ташкилот бўлиб қолмоқда.

2.2. ОСИЁ МУСУЛМОНЛАРИ ҚЎМИТАСИ

1989 йил 30 январ куни «Осиё мусулмонлари» қўмитаси ассоциацияси Қувайт Давлатида ташкил топди ва унинг фаолиятини белгиловчи низом кучга кирди. Қўмита бутун Жаҳон ислом хайрия жамоаси сифатида ўз ҳудудига кирган Осиё минтақасига асосий эътиборни қаратиб 1989 йил 11 февралдан амалий ишни бошлаб юборди.

Қўмита ўз фаолияти даврида қуйидаги мақсадларга етишиш учун интилади.

1. Осиё минтақасидаги мусулмонларга ёрдам бериш учун хайр-эҳсонларни жамлайди.

2. Мусулмон болалар, етим-есирлар, табиий офатдан зарар топганларга ёрдам кўрсатувчи Осиё минтақасидаги хайрия ташкилотларига ёрдам кўрсатади.

3. Таълим тарбия ишларидаги лойиҳаларни амалга оширади ва амалга ошган лойиҳаларни қўллайди.

4. Осиё минтақасидаги мусулмон кишиларнинг жамоаси, уларнинг муаммоси ва ютуқлари билан танишади. Қўмита исломнинг келажаги, равнақи ва ислом эътиқодида бўлган кишиларнинг бошқа динларга ўтиш хавфидан огоҳ қилиб боради.

5. Осиё мусулмонларнинг диний, ижтимоий, жуғрофий ва маданий ҳолатларини ўрганади.

6. Қўмита ўзи каби фаолият олиб борувчи ташкилот ва жамоалар билан ҳамкорлик алоқаларни кучайтиради.¹³

2.4АФРИКА-ОСИЁ ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ

¹³ Вазирлар маъмурияти шугъуридаги Дин ишлари қўмитаси маълумоти

1964 йил Жарактада тузилган. 1970 йилда Бандунгдаги (Индонезия) конференцияда Жаҳон ислом ташкилоти деб қайта номланган. Бу ташкилот барча мавжуд мусулмон ташкилотларини бирлаштиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб эълон қилади.¹⁴

Учинчи боб: Умум мусулмон молиявий ташкилотлар.

3.1 НЕФТЬ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ТАШКИЛОТИ

Нефть экспорт қилувчи араб давлатлари ташкилоти Қувайт, Ливия ва Саудия Арабистони ҳукуматлари ўртасида 1968 йили имзоланган шартнома асосида ташкил қилинган. Арбитраж судини тузиш ҳақидаги протокол 1978 йили имзоланиб, 1980 йил кучга кирган.

Унинг мақсадлари:

□ Нефть ишлаб чиқариш бўйича турли иқтисодий фаолиятларда ҳамкорлик қилади..

□ Ишлаб чиқаришнинг бу соҳасида, ҳам индивидуал ҳам жамоа давлат-аъзоларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлларини аниқлайди..

□ Нефть етказиб беришни тенг ҳуқуқлик ва адолатли шароитда таъминлашига кучларни бирлаштиради.

• Маблағ қўйиш учун қулай имкониятларни ва давлат аъзоларининг нефть ишлаб чиқариш мақсадида техник малакаларини оширишни ривожлантиради.¹⁵

Нефть экспорт қилувчи Араб давлатлари ташкилотига 11та давлат кириб, улар қуйидагилардир: Жазоир, Бахрейн, Миср, Ироқ, Қатар, Қувайт, Ливия, Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистони, Сурия, Тунис давлатлари киради.

Ҳар қайси миллий даромаднинг асоси нефть бўлган араб давлати ташкилот аъзоси бўлиши мумкин. Розилик 3|4 давлатлар-

¹⁵ Исламский вестник «Банки, развития и фонды»

аъзолари, ОАПЕКнинг таъсисчи аъзолари бўлиши шарти билан. Нефть экспорт қилувчи Араб давлатлари ташкилоти қуйидагиларни ҳомийликка олади:

1. Қувайтда 1972 йил тузилган араб денгиз нефть транспорти компанияси.

2. Бахрейнда 1973 йилда ташкил қилинган кема қуриш ва созлаш компанияси.

3. 1974 йил Даммада ташкил қилинган араб нефть ишлаб чиқариш инвестициялари бўйича корпорация (Саудия Арабистони)

4. 1977 йилда Бағдодда ташкил қилинган араб нефтчи-мутахассисларини тайёрлаш институти.¹⁶

Котибият китоблар, даврий нашрлар, иш материаллари ва йиллик ҳисоботлар чоп этади. Араб давлатларида ва дунёнинг бошқа минтақаларида нефть ишлаб чиқаришнинг турли соҳасидаги фаолиятларни ўз ичига қамраб олувчи маълумотлар заҳираси ташкил қилинмоқда. Кутубхона тадқиқотчилар учун китоблар ва бошқа нашрларни таклиф қилади.

¹⁶ Исламкий вестник «Банки, развития и фонды» 400 бет

3.2.КУВАЙТ ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

1989 йил 30 январида Кувайт амири Жабр ал-Аҳмад Жабр ас-Сабаҳ буйруғига асосан бир қанча бошқа давлатлар жамғармалари билан бир қаторда Кувайт Халқаро хайрия жамғармаси – «Осиё мусулмонлари» қўмитаси ассоциацияси Кувайт давлатида ташкил топди ва унинг фаолиятини белгиловчи низом кучга кирди.

Жамғарманинг асосий вазифаси Африка, Осиё ва Европа қитъасида мавжуд етимларга, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга ва ёрдамга муҳтож бўлган бошқа аҳоли қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб қувватлашдан иборат.¹⁷

Кувайт халқаро хайрия жамғармаси Кувайт ҳудудидан ташқарида бўлган болалар ўқув муассасаларини, етимхоналарни, шифохоналарни, қариялар уйлари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларни қуриш ва молиялаштириш фаолиятининг сермаҳсуллиги сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилиниш шарафига муяссар бўлди.

Кувайтнинг бу каби хайриявий фаоллигини ошиб кетишини қуйидаги сабаблар билан тушунтириш мумкин:

-турли мамлакатлардаги ихтиёжмандларни давлат хайриявий фаолияти орқали ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни қўллаб қувватлаши, хайрия эҳсон қилиш орқали Кувайтнинг бошқа давлатлар билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантирди.

Зўр ғайрат ва шижоати туфайли Кувайт халқаро хайрия жамғармаси давлат ҳукуматининг унга бўлган ишончини оқлашга ва берилган вазифаларни тўлиқ бажаришга эришди. У вазифалар

¹⁷ Ислом Справочник «+увайт хал=аро хайрия жам\армаси» Тошкент 1989й

ҳамдўст мамлакатларга қийин вазиятларда ёрдам бериш, фавқулотда вазиятларда ижтимоий ва амалий ёрдамлар кўрсатиш кабилардан иборатдир.

Бу каби давлатлар ҳозирги кунда қуйидагилардир: Индонезия, Филлипин, Тайланд, Иордания, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия Федерацияси, Албания, Босния ва Герцеговина, Покистон, Хитой, Монголия ва бошқа кўплаб давлатлардир.¹⁸

Қўмита бутун Жаҳон ислом хайрия жамоаси сифатида ўз худудига кирган Осиё минтақасига асосий эътиборни қаратиб 1989 йил 11 февралдан амалий ишни бошлаб юборди.

Қўмита ўз фаолияти даврида қуйидаги мақсадларга етишиш учун интилади ва унинг фаолиятига қуйидагилар ҳам киради:

Осиё минтақасидаги мусулмонларга ёрдам бериш учун хайр-эҳсонларни жамлаб, мусулмон болалар, етим-есирлар, табиий офатдан зарар топганларга ёрдам кўрсатувчи Осиё минтақасидаги хайрия ташкилотларига ёрдам кўрсатади. Таълим тарбия ишларидаги лойиҳаларни амалга оширади ва амалга ошган лойиҳаларни қўллаб-қўллайди. Осиё минтақасидаги мусулмон кишиларнинг жамоаси, уларнинг муаммоси ва ютуқлари билан танишиб, Қўмита исломнинг келажаги, равнақи ва ислом эътиқодида бўлган кишиларнинг бошқа динларга ўтиш хавфидан огоҳ қилиб боради ва осий мусулмонларнинг диний, ижтимоий, жуғрофий ва маданий ҳолатларини ўрганади. Қўмита ўзи каби фаолият олиб борувчи ташкилот ва жамоалар билан ҳамкорлик алоқаларни кучайтиради. Давлатлар томонидан таклиф қилинган лойиҳаларни кўриб чиқиб, улар мақсадга мувофиқ бўлса, уларнинг ривожланишига маблағ ажратади. Минтақалар экологиясини ҳимоя ва аҳолини чучук сув билан таъминланишида ўз ҳиссасини

¹⁸ Вазирлар Маъкамаси шузурдаги Дин ишлари =ымитаси маълумоти

қўшади. Бир неча йил аввал Қирғизистонда бўлиб ўтган zilзилада жароҳатланганлар ва Тоғли қорабоғ можароси қурбонларига уй-жой, озиқ-овқат ва хўжалик маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатди. Баъзи минтақа аҳолисининг тинч ҳаётига халақит бераётган вазиятни ҳал қилишга қаратилган халқаро конференциялар уюштиркан. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кирадиган, бир мақсадга йўналтирилган фондлар ва ташкилотлар билан турли соҳадаги мутахассисларни ўқитиш муассасаларини ташкил қилиш бўйича ҳамкорлик олиб бормоқда.

3.3. АРАБ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КУВАЙТ ФОНДИ (АИТҚФ)

Ушбу фонд ривожланаётган давлатларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатувчи мустақил юридик ташкилот ҳисобланади ва у 1961 йилда тасдиқланган ва фаолиятини бошлаган.

Унинг мақсади ва вазифаси:

- Ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш
- Қувайт билан дўстона алоқалар ривожига таъсир ўтказиш
- Қарзлар, кафолатлар бериш ва беғараз ёрдамлар кўрсатиш.
- Техник ёрдамларни молия билан таъминлашдан иборатдир.

-Минтақавий ва халқаро ташкилотларда Қувайт вакили сифатида иштирок этиш.¹⁹

Фаолият соҳаси Ривожланаётган давлатлар, ҳеч қандай секториал чекловларсиз, аниқ ривожлантириш лойиҳаларининг амалга ошишига ва институционал базаларни мустаҳкамланишига ёрдам беради.

¹⁹ Исламский вестник «Часть 5 Банки, банки развития и фонды» 435 бет

Структура:

1. Бош вазир ўринбосари тайинлайдиган ва молия вазири вакиллик қиладиган раислар Кенгаши Олий бошқарувчи орган ҳисобланади. У йилда 3 марта йиғилади.

2. Раислар Кенгаши томонидан тайинланадиган бош раис фонднинг мухтор вакили ҳисобланади ва фаолиятнинг бошқарилишига жавоб беради. У жамғармадаги департаментлар иш фаолиятини, ҳуқуқ, тадқиқот, бошқарув операцияларини амалга оширади.

Жамғарма фаолиятлари Осиё, Африка, Европа, Лотин Америкаси ва Кариб хавзасининг ривожланаётган давлатларидаги лойиҳаларини ўз ичига қамраб олади. Ушбу лойиҳалар давлатларда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга кўмак беради, ҳамда миллий ривожланиш программаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Техник ёрдам, сармоя беришдан олдин таҳлил ўтказиб, молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлаш орқали амалга оширилади. Бу таҳлил ишлаб чиқариш қувватларини яратиш имконларини аниқлаш шунингдек, иқтисодий ва техник масалалар бўйича мутахассислар билан таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ёрдам олувчи тараф маҳаллий ҳукумат органлари, давлат корхоналари ривожлантириш институтлари, молиявий ривожлантириш ташкилотлари, қўшма корхоналар ва хусусий корпорациялар бўлиши мумкин. Тўлов балансини тенглаштириш ва бюджет тансиқлигини камайтириш учун жамғарма ёрдам пулини ажратмайди.

Жамғарманинг ҳисоб бирлиги Қувайт динари ҳисобланади. Агарда аъзо-давлат ўз мажбуриятларини аъзолиги тўхтатилган вақтдан бошлаб икки йил давомида бажармаса, бошқарувчилар

Кенгаши қарори билан у давлат фонд аъзолари қаторидан
чиқариб юборилади.²⁰

²⁰ Исламкий Вестник «Банки, банки развития и фонды» 437 бет

3.4 АРАБ ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ.

Араб валюта жамғармасы 1976 йилда ташкил қилиш тўғрисида имзоланган битимга асосан 1977 йил таъсис этилган. Жамғармани таъсис қилиниши араб давлатлари лигасининг ташаббуси натижаси бўлди.²¹

Мақсадлари:

-аъзо мамлакатларнинг тўлов балансларини тенглаштириш
-валюта курсларини маълум мейёрда ушлаб туриш ва уларни араб давлатларда эркин айира бошлашга ўзаро ҳаракат қилиш, ҳамда аъзо давлатларнинг ўзаро жорий тўловлар билан боғлиқ бўлган чеклашларни бартараф қилмоқдан иборат.

-аъзо давлатларни халқаро валюта ва иқтисодий масалалари бўйича йўлларини мувофиқлаштириш ва халқаро валюта муаммоларини биргалиқда ечиш.

-араб молия бозорини ривожлантиришга ҳаракат қилиш.

-аъзо давлатларнинг молия жамғармаларини чет эл бозорларига қўйилмалари юзасидан маслаҳат бериш.²²

Вазифалари:

-аъзо давлатларнинг тўлов балансларининг тансиқлигини молиялаштириш мақсадида ёрдам тариқасида кредитлар бериш.

-аъзо давлатларнинг молиявий бозорини ривожлантириши мақсадида уларга ёрдам кўрсатиш.

-аъзо давлатларнинг ҳиссаларини (қўйилма) бошқариш.

-аъзо давлатларда техник ёрдам, банк ва валюта институтларга кадрлар тайёрлашни таъминлаш.

-тегишли араб институтлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади.²³

²¹ Вазирлар Маҳкамаси шузаридаги Дин ишлари Ғаитаси маълумоти

²² Исламский вестник Исламский банки и фонды, Арабский валютный фонд 350 бет

²³ Исламский Вестник «Арабский Валютный фонд» 427 бет

Аъзолар.

Араб валюта жамғармаси ташкил қилишга қўл қўйган ва ратификация қилган ҳар қандай араб давлати жамғармага аъзо бўлиши мумкин. Ҳар қандай давлат, (яъни) Араб давлатлар лигаси аъзоси шу жамғармага кенгаш бошқаруви розилиги билан киритилиб, ажралиб чиқиши эса фақатгина 5 йил аъзоликдан сўнг мумкин. У ёки бу давлатнинг жамғарма олдида ўз мажбуриятларини сабабсиз бажармаса бошқарув кенгаши аъзоликни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар аъзо давлат ўзининг аъзолиги тўхтатилиб қўйилган вақтидан бошлаб икки йил давомида ўз мажбуриятларини бажармасликда давом этса, у бошқарув кенгашининг қарори билан жамғарма аъзолигидан чиқарилади.

Унинг структура 3 қисмдан иборат:

1. Бошқарувчилар кенгаши
2. Ижро директорларининг кенгаши
3. Бош директор, доимий қўмиталар, департаментлар.

Бошқарув кенгаши – жамғарманинг олий бошқарув органи йилда бир марта одатда апрел ойида йиғилади. У яна аъзо давлатлар ёки аъзо давлатлар гуруҳининг умумий сонининг яримини, ҳамда ижро директорлар кенгашининг талабига биноан чақирилиши мумкин. Бошқарув кенгаши 20 аъзодан иборат; ҳар бир аъзо давлат ўзининг битта бошқарувчисини ва бошқарувчининг ўринбосарини 5 йил муддатга тайинлайди. Улар қайта-қайта тайинланиши мумкин. Бошқарувчилардан бири раис қилиб тайинланади. Тайинланиши кетмакетлик билан амалга оширилади. У ўзининг ваколатларини ижро директорлар кенгашига юбориши мумкин, фақат аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликни тўхтатиб қўйиш ва маблағни ошириш, жамғармани ташкил қилиш тўғрисидаги битимга қўшимча киритиш, битимларни

интериретация билан таълуқли низоларни ҳам қилиш, жамғарма операцияларини тўхтатиш ва уни тугатиш тўғрисидаги масалаларни ўзи амлга оширади. Агар бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса, унда қарор ҳамма саволлар бўйича мутлоқ барча овозлар билан қабул қилинади. Ижро директорлар кенгаши жамғарма бош директори раис сифатида овозларнинг тенг тақсимлашда ҳам қилувчи овозга эгаллик қилади ва 8 аъзо бошқарув кенгашига 3 йил муддатга сайланади. (қайта сайлаш мумкин). Директорлар ўзларининг ўринбосарларини тайинлайдилар. Ижро директорлар кенгаши бошқарув кенгаши томонидан юклатилган ваколатларни бош директорга юбориш мумкин. Агар бошқа нарсалар кўзда тутилган бўлса сайловда иштирок этаётган кўпчилик овозлар билан қарор қабул қилинади.

Бош директор у ижрочи директорларнинг раиси ҳамдир, бошқарув кенгаши томонидан 5 йилга сайланади. У жамғарманинг Ходимлари штатини бошқаради ва АВЖ иши бўйича ижро директор кенгаши олдида жавобган бўлади. У овоз ҳуқуқсиз бошқарувчилар кенгашининг мажлисида иштирок этади ва йиллик ҳисоботни тақдим этади. Жамғарма тузумига қўмиталар ва 6 департаментлар (иқтисод техникавий, инвестициявий, молиявий, ҳуқуқий саволлар бўйича административ иқтисодий сиёсат институтининг ишлари бўйича).

Молиявий манбалари: Жамғарма ресурслари жамғарма оладиган тўлаган маблағларидан, кредитлардан ва займлардан ва бошқарувчилар қўмитаси қарори асосида жалб қилиннишидан иборат.

Фаолият.

Асосий фаолият тизимили ислоҳатлар дастурларига кўмаклашиш учун кредитлар беришдан иборат. Жамғарма ўз фаолиятини аъзо давлатларга алоқадорлик юзасидан ғазначилик

муассасалар орқали аъзо давлатлар белгиланган ҳохишлари асосида амалга йўналишлари кредит, инвестиция, кадрларни тайёрлаш, араб молия бозорларини ривожлантириш, араб, регион ва бошқа халқаро ташкилотлар ва тижоратни молиялаштириш араб дастури билан ҳамкорликдир. Жамғарма аъзо давлатларга қарз бериш мақсадида уларнинг тўлов балансларини молиялаштириш, уларнинг иқтисодий уюшиш ҳаракатларидан мувозанатга эришиш учун ташқи ва ички иқтисодий қийинчиликларини енгишлари учун ёрдам кўрсатишдир. Жамғарма қарзлар (3 хил қарз узиш муддати) оддий қарзлар (5 йил қарз узиш муддати), қоплаш йўли билан (3 йилга) кенгайтирилган қарзлар (7 йил муддатга). Бу қарзлар (3 ойли) қарздор давлатлар ва уларни амалга ошириш билан келишилган ҳолда стабилъ дастур ва иқтисодий реформалар билан биргаликда тақдим этилади. Жамғарманинг инвестицион фаолияти бошқарув ижрои директорлар ўрнатган асосий йўналишлар ва инвестицион сиёсати бошқарувининг нуқтаи назаридан мос келган ҳолда амалга оширилади. Бу асосий йўналишлар ва бошқарув асослар 4 асосий белгига асосланади:

- инвестицияларни хавфдан ҳимоя қилиш
- валютани эркин айирбошлаш (маблағ қўйилмалари бажарилади).
- инвестиция маблағларини ликвидлиги.
- фойда меёрини оптимизациялаш.

Иқтисодий сиёсат институи аъзо давлатлардаги расмий иқтисодий муассасаларнинг ходимларига касбий таълим (курслар, семинарлар, стипендиялар, экспертлар) бериш мақсадида уларнинг аъзо давлатлар валюта-молиявий муассасаларнинг молия ва валюта сиёсатини амалга оширишга жавоб берадиган штат ходимларининг малакасини ошириш, ҳамда уларнинг

молявий валютавий ва банк статистикасини ва тўлов балансларини тузиш бўйича касбий тажриба даражасини ошириш бўйича хизматларни тақдим этади. Араб молия бозорларини ривожлантириш жамғарма дастури асосан техник ёрдам (араб мамлакатларининг молия бозорларини ривожлантириш ва ёрдам кўрсатиш ва араб бозорларининг маълумот базасини мукаммалаштиришга қаратилган).

Жамғарма йиллик бирлашган араб иқтисодий хабарларини (ахборот) тайёрлаш мақсадида қатор араб ташкилотлар (иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг араб жамғармаси) билан ҳамкорлик қилади.

Араб валюта жамғармаси марказий араб банкларининг бошқарув кенгашининг котибиятини ва бошқарув валюта уюшмасининг вазифаларини бажаради ва иқтисодий бирлигининг кенгаши билан (1957 йил ташкил этилган) иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг араб жамғармаси билан ҳамкорликни амалга оширилади.

(Жамғарма 1989 йил таъсис)

Араб давлатлар орасида савдо-сотиқни биргаликда ривожлантириш ва либерализациялаш ва араб экспортини рақобатбардошлигини ошириш мақсадида жамғарма 1989 йил таъсис этилган маҳсулотларни молиялаштиришнинг араб дастури устав капиталининг (маблағ) яримига ёзилган. АПФТ фаолияти миллий ташкилотлари орқали амалга оширилади.

ИСЛОМ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ (ИРБ)

Ислом ривожлантириш банки 1973 йил Жиддада Ислом конференцияси ташкилотининг аъзо-давлатлари декларацияси имзоланганидан кейин 1974 йилда ташкил қилинди.²⁴

Мақсади:

-аъзолар-мамлакатнинг ва шариатга асосланган мусулмон жамоаларининг иқтисодий ривожлантириш ва ижтимоий тараққиётига таъсир ўтказиш

Вазифалари:

-акционерлик капиталига воситаларни сармоялаштириш.

-ишлаб чиқариш корхоналари ва лойиҳаларига қарзлар бериш

-аъзо-давлатларга иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши мақсадида бошқ шаклларда молиявий ёрдам бериш.

-аниқ мақсадлар учун тузиладиган махсус фондларни бошқариш. Номусулмон давлатлардаги мусулмон жамоаларига ёрдам фонди шулар жумласидан.

-молиявийлаштириш услублари воситасида молиявий ресурслар йўналтириш ва депозитларини қабул қилиш.

-аъзо-давлатларга техник ёрдам кўрсатиш.

-мусулмон давлатларнинг ривожланиши бўйича ташкилот аъзоларини ўқитишда хизматлар кўрсатиш.

Давлат-аъзолар (47)

Озарбайжон
Албания
Жазоир
Афғонистон
БАА

Ироқ
Камерун
Қатар
Қирғизистон
Қувайт

Сенегал
Сомали
Судан
Сьерра-Леоне
Саудия
Арабистони

²⁴ Ислом Справочник Тошкент-1989й 152 бет

Бангладеш	Комор ороллари	Сурия
Бахрайн	Ливан	Тунис
Бенин	Ливия	Туркия
Бруней	Мали	Уганда
Буркина-Фасо	Мальдив	Эрон
Габон	Мавритани	
		Жибутия
Гамбия	Малайзия	Чад
Гвинея	Марокаш	Фаластин
Гвинея-Бисау	Миср	Яман
Индонезия	Нигер	Уммон
Иордания	Покистон	

Банкнинг молиявий ресурслари устав капитали ва қўшимча молиявий воситаларидан иборат. Молиявий фаолиятларнинг кенгайиши натижасида банк қўшимча манбалар билан таъминланди:

-1980 йилда сармоя-депозит режаси ишга тушган. Бу режа сармоядорлар учун банга молиявий ёрдам беришда қатнашиш орқали қисқа муддатли сармояларни амалга ошириш учун ислом муқобилини беради. Ушбу тизим асосида банк нафақат яккаҳолдаги омонатчидан, балки ташкилотлардан ҳам «Импортга молиявий ёрдам бериш операциялари» дастурини амалга ошириш учун депозитлар қабул қилади.

-1987 йилда «Ислом банклари портфели» ташкил қилинган. Ушбу ташкилот аъзо бўлган давлатлараро савдо-сотиқ молиявий қўллаб қувватлаш учун сармоядан фойдаланиш, ҳамда қимматбаҳо қоғозлар ва лизинг билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш мақсадида очилган. Шариат нормаларига асосан бунга нақд пул ва қарзлар кирмайди.

-1988 йилдан савдо-сотиққа узоқ муддатли молиявий ёрдам бериш режаси амалга оширила бошлади. Ушбу режа импортга молиявий ёрдам бериш программасини тўлдиради ва ИКТга аъзо бўлган давлатларнинг анъанавий бўлмаган товарлари экспортини кенгайтиришда кўмак беради. Бу эса ИРБга аъзо бўлган

давлатлардан экспорт қилиш учун керакли молиявий воситалар билан 6 ойдан 60 ойгача бўлган муддатга жалб қилиш орқали амалга оширилади.

-1989 йилда алоҳида инвестицион фонд ташкил қилинган. Унинг мақсади қўшимча молия ресурсларини жалб қилиш ва уларни шариатга асосланган ҳолда сармоялаштириш.

3.8 АФРИКАНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АРАБ БАНКИ

Банкни ташкил қилиш тўғрисидаги қарор 1973 йилнинг 6 чи араб конференциясида араб давлатлар лигаси ташабусси билан қабул қилинди.

Банк операцияларини 1975 йил амалга оширишга киришди. Банк мустақил халқаро муассаса ҳисобланиб халқаро юридик шахс ва маъмурий молиявий фаолиятида мустақил мақомга эга.

МАҚСАДЛАР:

-молиявий маблағлар билан араб бўлмаган Африка давлатларининг иқтисодини биргаликда ривожланишига таъсир кўрсатади.

-Африка давлатларини ривожлантириш мақсадида араб мамлакатларининг капитал қўйилмаларининг оқимини рағбатлантиради.

-Африка давлатларини ривожлантириш учун керак бўлган техник ёрдамни биргаликда амалга оширади.

Банк фаолиятини асосини

-ўзининг мақсад ва масалаларига тўғри келмайдиган ва қарама қарши операцияларда иштирок этмайди.

- Африка давлатларининг эътирозларига қарши операцияларини амалга оширмайди.

Банк.

-ўзининг кредит бериш фаолиятининг хавфга қўймаган ҳолда тан олинган молия асосларини ривожлантиришдан фойдаланиши мумкин.

-қарзга олувчи ёки унинг кафолатчисининг ўз мажбуриятларини бажаришга қодирлигини эътиборга олади.

-банкни молия берган давлатга фақатгина унга белгиланган мақсадларгагина ишлатилишини таъминлаш учун барча чоралар кўради.²⁵

БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ:

Асосий эътибор қаратилган нарсалар:

1. Миллий аралаш ёки регионал тусга эга бўлган молия ривожлантириш институтларга қарз (займ) ва кафолат бериш.

2. Ташқи молиявий манбаларни етишмаслигини батараф қилиш мақсадида йирик молиявий иқтисодий лойиҳаларда қатнашиш

3. иқтисодий ривожлантиришга манфаатдор имкониятларни пайдо қилиш мақсадида молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш

4. Замонавий ишлаб чиқариш технологияси ва нау-хауни ўзлаштириш зарурати учун техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш.

ОЛУВЧИЛАР:

1. Араб мамлакатлари ҳукумати провинциялар, муассасалар ёки ташликотлар

2. Араб мамлакатлардаги бизнес билан шуғулланувчи давлат ва хусусий компанияларнинг йирик хиссаси ҳукумат ва шу мамалакат фуқароларига тегишлидир.

3. Иқтисодий ривожланишнинг амалга оширишга биргаликда ҳаракат қилиш ва аниқ лойиҳанинг амалга оширишига молиявий ёрдамга мухтож аралаш Африка ва араб-африка компаниялари аъзолар.

ТУЗИЛИШИ:

1. Бошқарув кенгаши

2. Директорлар кенгаши

²⁵ Исламский Вестник, Арабский и исламский банки «Арабский банк экономического развития Африки» 420бет

3. Котибият, бош директор

Бошқарувчилар кенгаши йирик банк бошқарувининг органи таркибига ҳар бир аъзо давлатдан биттадан бошқарувчи ва биттадан бошқарувчининг ўринбосари киради. Одатда улар молия вазирлари бўладилар. Бошқарув кенгаши бир йилда бир марта йиғилади. Бошқарув кенгаши ёки директорлар кенгашининг қарори бўйича навбатдан ташқари сессиялар чақирилиши мумкин.

Раис ҳар йили ўзининг сайловигача сайланади. Бошқарув кенгаши банк сиёсатининг асосий йўналишларга таълуқли директив кўрсатмалар беради. У ўз ваколатларини директорлар кенгашига юбориши мумкин. Фақатгина маблағ акционерлигини ошириш, директор кенгаши раисини тайинлаш, банкнинг молиявий қоидаларини таъсис қилиш бюджет ва жорий ҳисоблар аъзоликни тўхтатиб қўйиш ва бошқа саволларни қарор қилишдан ташқари. Мамлакат эга бўлган ва уч вакил қилиб кўрсатадиган ҳар бир бошқарувчи 200 овозга ва қўшимча ҳар бир Банк акциясига биттадан овозга эга.

Директорлар кенгаши 11 аъзо (4 йил муддатга қайта тайинланиши мумкин) ва бош директордан иборат. 200 ва ундан ортиқ акцияга эга ҳар бир аъзо давлат ўзининг вакилини директорлар кенгашига тайинлаши мумкин.

1993 йил 7 давлат бу шартларни бажарди. Бошқа аъзо давлатлар биргаликда ўзлари эгалик қилаётган овозлар сонига мувофиқ тарзда яна 4 директорларни сайлайдилар. Директорлар кенгаши раисини ўзларининг аъзоларидан 2 йил муддатга сайлайдилар, раис банк директори ҳисобланади.

Директорлар кенгашида кўрсатилмаган бошқа аъзо давлат кенгаш директорлар кенгаши мажлисида ўзининг вакилини иштирок этиш учун юбориши мумкин.

Қарор одатдагидек кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози йўли билан қабул қилинади.

Котибиятни бош директор бошқаради.

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ:

Банкнинг молиявий ресурслари имзоланган маблағ ва жоиб қилинган ер маблағларидан иборат. Банк ўзининг ҳар қандай молиявий манбалари билан фойдаланиши мумкин, агар улар унинг мақсад ва вазифаларга зиддиятлар тўғдирмаса маблағлар жоиб қилинган шундай манбалар банкнинг оддий маблағларидан фарқли ўлароқ махсус жамғармаларни ташкил қилади.

ФАОЛИЯТ:

АБЭРА 2 та масалани бажаради:

1) Ноараб Африка мамлакатларга асбобларни тақсимлаш ва рабб ёрдамнинг координацияси.

2) Араб ва Африка мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг муаммолари бўйича келишмовчиликлар форуми.

ОАЕ аъзоси араб давлатлар лигасининг аъзоси бўлмаган 4 давлат Банкдан ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Банк томонидан молиялаштирилган лойиҳалар иқтисод ривожланиши олувчи мамлакатнинг режасининг бир қисми ҳисобланади. Улар регионал табиатга ҳали эга бўлиши мумкин ва уларни амалга ошириш бир неча мамлакатларга бир вақтда фойда келтиради.

Банкнинг қандайдир лойиҳани молиялаштиришда қўйилма 15 млн. доллардан ошмайди, ёки шу лойиҳанинг умумий нархи 50 ташкил қилса, у 80%да ўсиши мумкин, агар лойиҳанинг умумий нархи 10 млн. доллардан ошмаса.

Банк техник ёрдамни субсидия шаклида молиялаштиради. У ҳамда инвентицион олди анализ (тахлил) молиялаштиради ва техник ёрдамнинг таркибий қисми сифатида институцион ёрдам

билан тамиглайди. Агар банк лойиҳанинг биргалиқдаги молиялаштиришда техник ёрдам кўрсатилиб бўлинган бўлса деб ҳисобласа, унда ажратилган субсидиялар миқдори қарз аванс сифатида кўрилади. Лойиҳалаштириш 11 босқичдан иборат

- 1) лойиҳани идентификациялаш
- 2) лойиҳанинг масштабини аниқлаш
- 3) олдиндан маъқуллаш
- 4) экспорт баҳоси ва мос келадиган ҳисобот тайёрлаш
- 5) музокаралар ва қарз ҳақидаги битимга имзоланиши
- 6) молиялаштириш бўйича ҳамкорлар билан маслаҳатлар
- 7) қарз тўғрисидаги келишувининг эффективлиги ҳақидаги

баёнот

- 8) лойиҳанинг амалга оширилиши ва қарзни тўлаш
- 9) лойиҳани амалга ошириш назорати
- 10) лойиҳани амалга оширилаётганлиги ҳақида ахборот
- 11) лойиҳани бажарилишига тугатиш ҳақидаги ахборот.

Тўртинчи бўлим Нохукуматлараро террористик (экстремистик)
сиёсий ташкилотлар.

4.1 Ваҳҳобийлик оқими

Ваҳҳобийлик –диний сиёсий оқим бўлиб, 18 асрда Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Ваҳҳобийлар бевосита дин номидан иш кўрган ва уни «тозалаш», гўёки пайгамбар давридаги асл ҳолатига қайтариш, барча арабларни яшил байроқ остида бирлаштириш каби ғояларни илгари сурган.²⁶

Ваҳҳобийлар муслмонларга, жумладан султоннинг Ҳижоз (маркази Макка шаҳри)даги, қарши кураш олиб борадилар. Бу воқеаларнинг бошланиши 1785 йилга бориб тақалади. Уларнинг ибтидоси бўлиб, ваҳҳобийларнинг ўз юртларида кучга тўлишлари, сўнгра ўз таълимотлари ва экстремистик фаолиятларини бошқа ўлкаларга тарқатишлари бўлди. Ёшлик даврида Муҳаммад ибн Абдул- Ваҳҳоб Мадина шаҳрида диндан сабоқ олган. Унинг отаси ва акаси – шайх Сулаймон диний соҳада кўзга кўринган уламолардан эди. Ибн Абдул-Ваҳҳобнинг хатти-ҳаракатларида, унинг динга бўлган муносабатида салбий ҳолатларни пайқаган отаси, акаси ва устозлари келажакда унинг диндан оғишиши мумкинлигини сезганлар. Улар Ибн Абдул-Ваҳҳобни бунда айблайдилар ва одамларни унинг нотўғри таълимотида огоҳлантирадилар, чунки у ўз таълимоти билан диний соҳадан йироқ бўлмаганларни йўлидан оздириши мумкин эди. Ибн Абдул-Ваҳҳоб ўз қарашларида имомларнинг ҳақ йўлидан ўз даврининг муслмонларини динсизликда айблайди.

Унинг таъкидлашича, Пайғамбаримиз ва авлиё-ю анбиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш ва тавассул қилиш ширк ҳисобланади. Шунингдек, у ҳар бир бўлаётган воқеа-ҳодисани Оллоҳ билан боғламасликни, масалан «менга бу дори шифо

²⁶ З. Щусниддинов «Ислом ййнаилишлар, маззаблар о=имлар» Тошкент-2000й 88 бет

берди» ёки «тавассулда менга мана бу авлиё мадад берди» дейишликни ширк ҳисоблаган. Ўз гапларини аслида уларнинг ўзини инкор этадиган манбалар билан боғлиқ ҳолда тушунтирган. Сўзамоллиги ёрдамида диний соҳадан йироқ бўлганларни ўзига эргаштира олган ва уларга ўзи билан бормаётганлар динсизлар, деб уқтирган.

Ибн Абдул-Ваҳҳоб ўз таълимотининг кенг миқёсда ёйилиши учун ад-Дариёдаги кўзга кўринган сиёсатдон ва обрўли одамлар билан алоқа боғлайди, улар эса ўз ўрнида ўзларининг сиёсий мавқеларини мустаҳкамлаш мақсадида уни ҳарбий куч билан таъминлайдилар. Улар биргаликда кўчманчи бадавий қабиларларини бўйсундирадилар ва улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар. Бу одамлар Ибн Абдул-Ваҳҳобнинг ўзи билан бормаганларни ўлдириш ва мол-мулкини ўзлаштириб олиш мумкин, деган ташвиқотига илинадилар. Ибн Абдул-Ваҳҳобнинг фаолияти 1723 йилда бошланиб, 1730 йилга келиб кенг қулоч ёйиб кетади.

Кўпчилик мусулмон уламолари, шу жумладан Ибн Абдул-Ваҳҳобнинг акаси шайх Сулаймон ва кўпгина устозлари, ўз асарларида Ибн Абдул-Ваҳҳобнинг фаолиятини танқид остига оладилар. Улар Ибн Абдул-Ваҳҳобнинг орқасидан эргашганлар албатта бахтсиз бўлишини айтганлар, охир оқибатда шундай чиқди ҳам.

Ваҳҳобийликнинг тарақалаётган манфаатдор бўлганлардан бири эса ад-Дариёнинг шаҳзодаси, Бани Хунайфа қабиласидан чиққан Муҳаммад ибн Сауд эди. Шаҳзода Муҳаммад ибн Сауднинг вафотидан кейин мазкур оқимига раҳнамолик қилишни унинг ўғли Абдул Азиз ибн Муҳаммад ибн Сауд давом эттиради.

Ибн Абдул-Ваҳҳоб ўз фаолиятини дин ва бутпарастликдан халос этиш учун олиб бораётганлигини таъкидлаган. Унинг

уқтиришича, сўнги 600 йил давомида яшаб келган мусулмонлар бутпарастлик ботқоғига ботиб яшаганлар, у эса Исломни қайта тиклади. Қуръон бутпарастларга қарата айтилган кўпгина оятларни у мусулмонларга қарата айтади.

Масалан, Аҳқоф сурасининг 5-оятида шундай дейилади:

«Оллоҳни қўйиб, қиёмат кунигача ҳам (дуони) мустажоб қила олмайдиган бутларга дуо-илтижо қиладиган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?». ²⁷

Юнус сурасининг 106-оятида дейилганки:

«Оллоҳни қўйиб, сизга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсага илтижо қилманг!». ²⁸

Зумар сурасининг 3-оятида дейилади:

«У зотдан ўзга «дўст»ларни («худо») қилиб олган кимсалар: «Биз (ўша «худо»ларимизга)фақат улар бизни Оллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар)». ²⁹

Оятлар аслида бутларга сиғинаётганларга қарта айтилган бўлса-да, шу ва шунга ўхшаш оятлардан ваҳҳобийлар мусулмонларга қарши курашларида фойдаланиб келадилар.

Бунга жавобан мусулмон уламолари Ибн Абдул-Ваҳҳобнинг янглиш йўлдан бораётганлигини таъкидлашди. Улар ҳеч бир мусулмон пайғамбарларни ҳам, авлиёларни ҳам илоҳийлаштирмаган ва Оллоҳ билан тенг бўладиган бирон бир нарсани ҳам ўйлаб топмаганлар, дейишади. Инсон зоти Оллоҳ томонидан яратилган ва шу сабабли уларга сиғиниш мумкин эмас.

Оллоҳ ягона яратгувчи ва фақат Унгагина имон келтириш мумкин. Пайғамбарлар ҳеч нарсани яратмайдилар, улар яхшилик

²⁷ +уръони Карим Ашқоф сураси 5 оят

²⁸ +уръони Карим Юнус сураси 106 оят

²⁹ +уръони Карим Зумар сураси 3 оят

ва ёмонлик устидан ҳукмрон эмаслар. Улар фақатгина Оллоҳнинг ердаги элчиларидир.

Бутпарастликнинг ривожланишини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин: бутпарастлар ўзларини «бизнинг бутларга сиғинишимизнинг сабаби-улар орқали Оллоҳга яқинроқ бўлишдир»-, деб оқлайдилар.

Ал-Бухорий Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қиладики:

«Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) хорижитлар ҳақида гапирганда: «улар кофирларга қарата айтилган Қуръон оятларини мусулмонларга нисбатан ишлатадилар»-, деганлар».

Бошқа бир жойда Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинади:

«Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) доимо «Ҳаммадан ҳам ўз жамоадан хавотирдаман, чунки Қуръонини ўзгача талқин этиб, ундаги оятлардан ноҳақ йўлларда фойдаланадиган одамлар пайдо бўлади»-, дер эдилар».

Бу ва бошқа ҳадислар хорижитлар ва ваҳҳобийларга тегишлидир.

Агар диндорлар томонидан бажариладиган тавассул, қабрларни зиёрат қилиш ва бошқа маросимлар ширк бўлганида, улар Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.), Ул кишининг саҳоблари, салафий ва халафий томонидан адо этилмас эди. Саҳиҳ ҳадислардан бирида айтиладики:

«Эй Оллоҳ, Сендан фа!ат Сендан сўровчилар учун сўрайман».

Дарҳақиқат, бу тавассулдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бу дуони ўз издошларига айтганлар ва уни доимо такрорлаб боришни тайинлаганлар.

Саҳиҳ ҳадислардан бирида айтиладики:

«Бир куни кўзи ожиз бир одам Пайғамбаримиз олдиларига келиб, дуо ўқиб унга Оллоҳдан кўз ато этишини сўраган экан.

Шунда Муҳаммад (с.а.в.) унга жавоб берган эканлар : «Таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиган ва сўнгра қуйидаги дуони қайтар – «Эй Оллоҳ, Сендан Сенинг пайғамбаринг орқали сўрайман, Эй Муҳаммад, Сен орқали Оллоҳга мурожаат қиламан. Эй Оллоҳ, пайғамбаринг ҳаққи илтижоимни бажо айла». Шу дуони ўқигандан сўнг кўзи ожизга Оллоҳ кўз ато этган экан».

Саҳобалар ушба ҳадисни Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан сўнг ҳам кўп эшлатганлар. Ундаги «Эй Муҳаммад» сўзлари тавассулнинг бошланиши ҳисобланади.

Ибн Абдул-Ваҳҳобнинг диний оқимига чиққан уламоларидан бири унинг устози Муҳаммад ибн Сулаймондир. У Ибн Абдул-Ваҳҳобга ёзган мактубида шундай дейди:

«Эй Ибн Абдул-Ваҳҳоб. Оллоҳ номи билан сендан тилингни тийибмусулмонларга қарши чиқмаслигингни сўрайман. Дунёдаги барча воқеа-ҳодисалар Оллоҳ томонидан бўлаётганлигига шак келтираётганларга уларнинг ноҳақликларини тушунтирган, тушунмаган тақдирдагина уларни ва фақат уларнигина кофир деб атагин. Лекин зинҳор сенга эргашмаган барча мусулмонларни кофир дея кўрса. Чунки улар эмас, балки сен ўзинг ҳақ йўлдан адашгансан».

Бундан Нисо сурасининг 115-ояти гувоҳлик беради:

«Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларида бошқ йўлга эргшиб кетса, Биз унинг кетгунича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиламиз».

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қабрларини зиёрат қилиш хусусида шуни айтиш керакки, бу маросим барча саҳобалар, салафий ва халафийлар томонидан бажарилиб келинган. Бу ҳақда кўпгина ҳадисларда айтилган.

Оламдаги барча воқеа-ҳодисалар Оллоҳ томонидан амалга оширилади. Оллоҳга имон келтирган ҳар бир мусулмон бирон бир нарсанинг бошқа бир нарса томонидан ошганлигини айтса ҳам гуноҳ ҳисобланмайди.

Буларнинг ҳаммаси Муҳаммад ибн Абу-Ваҳҳоб таълимотининг сохталигини кўрсатади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг кўпгина хадисларда бундай оқимнинг пайдо бўлишини яққол кўрсатганлигинингн шоҳидимиз. Масалан:

«Шарқ томонда Қуръонни мунофиқлик билан ўқийдиган одамлар пайдо бўладилар. Улар Исломдан узоқлашадилар, уларнинг белгиси – бошларидаги сочларнинг қирилганлигидир».

Дарҳақиқат, ваҳҳобийларнинг асосий белгиларидан бири уларнинг сочларининг қирилганлигидир. Чунки улардан олдин ўтган бирон бир диний оқимдагиларда бундай белги бўлмаган.

4.2. «ХАМАС» диний радикал гуруҳ

Хамас ягона ислом давлати барпо этишни мақсад қилган Фаластиндаги радикал гуруҳдир. Бу гуруҳ 1988 йилда Муслмон биродарлар ташкилотининг ҳарбий қаноти сифатида аниқланган. Террористик ҳаракатлари туфайли Хамас Исроил ҳукумати томонидан 1989 йилда ноқонуний ташкилот сифатида эълон қилинган.³⁰

Эрон Ислом республикасининг ғоявий ҳаракатлари таъсирида Хамас 1987 йилда ғарбий соҳил ва ғазо секторининг Исроил томонидан босиб олиншига қарши Фаластинликлар исёни оқибатида ташкил этилган. Ғарбий соҳил ва Ғазо секторида мактабларни, ижтимоий ҳимоя марказларни шифохоналарни ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантирган Муслмон биродарлар ташкилоти Исроил оккупациясига қарши курашда тўғридан-тўғри алоқадор бўлмасликни танлади. Шу сабабли Хамас муслмон биродарлар ташкилотининг ҳарбий қаноти сифатида Аҳмад Ёсин етакчилиги остида ташкил этилди. У сиёсий қанот, разветка йиғиш гуруҳи ва ҳарбий қанот каби 3 органдан ташкил топган. Хамас Фаластинликларни секуляризация ва Фаластин Озодлик Ташкилоти каби дунёвий миллий ташкилотларга аъзо бўлишдан воз кечишга чақирди. Бунинг ўрнига у Исроилга қарши доимий ҳаракат тузишга ва ПОТнинг дунёвий хусусиятини ўзгартиришга ҳаракат қилди. Хамас биринчи навбатда Ғарбий соҳил ва Ғазо секторидаги фаластинликларни Исроилга қарши курашга даъват қилди ва Исроилга қарши ишчилар намойишларини бошқарди. 1989 йилда Хамас аъзолари Исроилга қилган ҳужумларида 2 исроиллик аскарни ўлдирди. Бунга жавобан Исроил Хамасни ноқонуний ташкилот деб эълон қилди ва Ёсинни

³⁰ Вазирлар Маъкамаси шузурдаги Дин ишлари Ғымитаси маълумоти

ҳибсга олган. Бир қанча террористик ҳужмлардан сўнг, 1992 йилда Исроил 400 дан зиёд Хамас аъзоларини қувғин қилди. 1993 йил сентябрда Исроил ҳукумати ва ПОТ ўртасида Ғазо секторидаги ва Ғарбий соҳилнинг айрим қисмидаги фаластинликларга «чекланган ўз ўзини бошқариш» ҳуқуқини бериш тўғрисида келишув имзоланди. Ўз навбатида ПОТ Исроилнинг «мавжудлик» ҳуқуқини (суҳествование) тан олди. Хамас эса бу келишувни рад этиб, Ғазо сектори ва Ғарбий Соҳилдаги исроилликистиқомат қилувчиларга, шунингдек, Исроилга қарши курашга бошчилик қилишда давом этди.

Хамас ташкилоти аъзолари 200 йилгача 10,000 тадан ортиқроқ эди. Ғазо сектори ва Ғарбий соҳилнинг тахминан 18% аҳолиси бу гуруҳнинг сисёсий қарашларини қўллаб қувватларди. 2000 йилнинг сентябр ойидаги Фаластинликларнинг янги исёнидан сўнг эса Хамасни қўллаб қувватловчилар сони 25% дан зиёдга ўсди. Бугунги кунда уларнинг даъватлари Ғарбий соҳилга нисбатан Ғазо секторидаги аҳоли томонидан кўпроқ қўллаб қувватламоқда. Хамас аъзолари асосан диний лидерлар, шайхлар, интеллектуаллар, тадбиркорлар, ёш фаоллар, активистлар ва жангчилардан ташкил топган. Масжид ва диний ташкилотлар ўз даъватларини тарқатишда Хамаснинг энг муҳим воситаси ҳисобланади ва камбағалларга ижтимоий хизматларни таъминлаш орқали маҳаллий аҳолини сафарбар қилишга эришади. Гуруҳни молиялаштириш қисман ўз аъзолари томонидан амалга оширилади, аммо аксарият молиявий ёрдамлар хориждан келади. Молиялар Хамас ва унинг сиёсий фаолияти билан бир қаторда, Ғарбий соҳил ва Ғазо сектори инфраструктурасини тиклашга, Фаластинда иш жойлари ва тадбиркорликни барпо этишга сарфланади.

4.3 «НУР» ҳаракати (диний жамоа)

Умуман олганда Туркия республикасининг ички сиёсий аҳволи барқарордир, бироқ сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳадаги баъзи факторлар маълум даражада турк жамиятининг парчаланишига таъсир кўрсатмоқда.

М.Йилмаз ҳукумати аввалданоқ Туркия Республикаси секуляризм (дунёвийлик) принципи асосида сиёсат олиб борувчи маълум қилди ва мамлакатда мавжуд турли диний жамлалар билан кураш бошлади.

Бу фаолиятда қатор ҳукумат вакиллари парламентда депутатлик мандатларига эга бўлган «сулаймончилар», «нақшбандчилар» ва «нурчилар» каби ҳукуматнинг Исломни сиёсийлаштириш дастурига қарши чиқаётган исломий радикал фирқалар билан кураш олиб бордилар.

Фатхулла Гюлен «Нур» диний-тарғибот ҳаракатининг йўлбошчиларидан ҳисобланиб, унинг фаолияти турк жамияти томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

Ф.Гюлен 1942 йилда Туркиянинг Эрзурум шаҳрида туғилди. 1960-90 йилларда болаларга қуръон тиловатидан таълим берган ва руҳонийлик қилган. Баъзи норасмий маълумотларга кўра Ф.Гюлен «Нур» ҳаракатининг асосчиси Саид Нурсий вафотидан сўнг унинг ўрнини эгаллагач нурчиларнинг Измирдаги ҳаракати режаларини ишлаб чиққан ва ҳаракат иштирокчиларининг амалий машғулотларига раҳбарлик қилган.

Ф.Гюлен нотиқлик ва одамларни ишонтира билиш қобилиятига эга шахс. Унинг қаламига мансуб 24 та китоб ва 130 дан зиёд турли видеокассеталар мавжуд. Туркия Гблен ташкил қилган 90 та турли жамғармалар, 103 та ҳусусий мактаб, 211 та ширкат, 160 та ў!ув курслари ва 500 га яқин ётоқхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек у «Сўзўнтў», «Йни умит» ва «Фонтан»

каби 14 ма журнал, «Заман» кундалик газетаси, «Саманйоли» хусусий телеканал ва икки радиостанцияга эгалик қилади. Маълумотларга кўра мавжуд 80 вилоятлар ҳокимларининг 30 нафари Ф.Гюленнинг ўқувчилари ва издошлари ҳисобланадилар.

Туркиядан ташқарида, маслан Германияда у томондан тил мактаби, иккита ўқув маркази, радиостанция, касалхона ва болалар боғчаси, Голландия ва Швейцарияда иккита жамғарма иккита жамғарма, Болқонда иккита хусусий мактаб, Марказий Осиёда 128 та хусусий лицей ва 6 та университет, Яқин Шарқ ва африкада 3-та мактаб ва 2 та тил курслари, АҚШда 2 та ётоқхона ва масжид ташкил қилинган. Гюленнинг иқтисодий манбаи бўлиб «Азия Файненс», «Ишўк» каби энг йирик суғурта компаниялари ва кўплаб бизнесмен ва компаниялар хизмат қиладилар ва одатда бу ҳомийлар ўз ёрдамларни ошқора қилмайдилар.

Мавжуд маълумотларга кўра, Туркия жамият хавфсизлиги бошқармаси 1992 йилнинг март ойида Ф.Гюлен устидан катта маълумотнома ҳукуматга тақдим этган. Ҳужжатларда мамлакатда яширин идеологик ташкилот мавжудлиги ва бу ташкилотнинг мақсади Туркия Республикаси Конституциясини бекор қилиб, Ислом арконларига асосланган давлат тузиш эканлиги ҳақида маълумотлар бўлган. Шунингдек ҳужжатларда Гюлен издошлари фаоллик билан Давлат бошқаруви ва хавфсизлик органларига ҳам кириб олаётганликлари ҳақида гапирилган.

1996 йилнинг декабрида бўлиб ўтган Туркия миллий разведкаси раҳбарлари мажлисида «Гюлен ҳақида маъруза» йиғилганлар ҳукмига ҳавола этилиб, унда Ф.Гюленнинг Туркия мафияси вакиллари ва АҚШдаги баъзи ташкилотлар билан алоқаси ҳақида маълумотлар берилганди. Шунингдек айтилишича, Туркия ички Ишлар вазирлигининг мансабдор шахслари Мехмет

Агар ва Иброҳим Шахинлар Ф.Гюлен ва Озер Чиллер (Т.Чиллернинг эри) ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилганлар.

Фундаменталистик гуруҳлар фаолиятини кузатиш учун Туркия қуролли кучлари Бош штаби қошида ташкил этилган аналитик гуруҳлардан бири («Ғарбий ишчи гуруҳ») 1998 йилнинг 27 мартида Туркия Миллий хавфсизликсовети йиғилишида Ф.Гюлен ва унинг ташкилот фаолияти ҳақида махсус маъруза тайёрладилар. Унда Ф.Гюлен раҳбарлик қилаётган ташкилот Туркия жамиятининг юқори табақаси учун ўта хавфли бўлиб, улар Ислом арконлари чегарасидан чиқмасаларда дин ноқобига ўранган ҳолда одамларнинг диний туйғуларидан фойдаланиб ўзларининг режаларини амалга оширишга ҳаракат қиладилар, деган хулосага келадилар.

4.1 Ҳизбут-тахрир ал-исломий экстремистик ташкилоти

Ҳизбут –тахрир норасмий сиёсийлашган диний партия 1953 йилда Исроилда пайдо бўлган. Унинг асосчиси Мисрдаги Ал-азхар университетини тамомлаб, Қуддус шаҳрида шаръий шикоят судининг аъзоси лавозимида ишлаган шайх Тақиюддин Набаҳоний бўлиб Иорданиядаги «Ал-ихвонал муслимин» диний-сиёсий экстремистик ташкилоти раҳбарларидан бири эди.³¹ Ақида масалалари бўйича келишиолмай ажралиб чиққан.

Партия пирамида шаклида таркибий тузилма кўринишида ташкил топган. «Дорис»лардан таркиб топган «халқа»даги 4-5киши гуруҳ раҳбари – «мушриф»дан сабоқ олади. Таълим хафтада камида 1 маротаба ўтказилиши шарт. Халқа аъзолари бир-бирларини фақат исми ёки тахаллуси орқали биладилар. Ташкилотга аъзо бўлаётган номзод ҳар қандай шароитда ҳам ҳизб фаолияти ҳақидаги қасам ичади.

«Ҳизбут таҳрир» ўз мақсадларини ғоявий кураш олиб бориб, бошқа норасмий ташкилотлардан шу жиҳатдан ажралиб туради.

«Ҳизбут таҳрир» ташкилотининг мақсади:

- Тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини бошлаш;
- Мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш;
- Миллатлар ва динлараро низоларни келтириб чиқариш;
- Мамлакатга қурол-аслаҳа ва наркотик моддаларни олиб кириб, фуқораларнинг тинч ҳаётига раҳна солиш;
- Мустақил давлатни қурол аслаҳа ишлаб чиқарувчи хорижий мамлакатларга қарамқилиш.

Бу мақсадларга эришиш ҳамда оламда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ташкилотнинг муносабатини билдириш учун партия 1989 йилдан бошлаб «ал-ваъй» номлик журнални турли

³¹ Ал мавсуа 107 бет ар риёд

тиллардаги таржимаси билан давомий чиқариб келмоқда. Хусусан, мазкур журналнинг ўзбек тилидаги 140дан ошиқ сони мамлакатимизда махфий равишда тарқатилганлиги маълум.

«Ҳизбут таҳрир» мафкуравий таъсирни кучайтириш учун ўзларининг номақбул кураш йўлларини деб ҳисоблайдилар.

1. Тушунтариш ишларини олиб бориш орқали онги тўлиқ шикланмаган ёшларни тузоққа илинтириш. Баъзи ҳолларда ташқи таъсирларга берилувчан ҳуқуқ тарғибот идоралари, ҳокимиятдаги ходимлар билан алоқани мустаҳкамлаш, яъни уларни ўз сафига тортиш;

2. Фикрий кураш орқали «умматни оёққа турғозиш, келажакдаги масалаларни идрок қилиши»га эришиш, яъни одамлар онгига салбий ғояларни сингдириш;

3. Зомбига айланган экстремистик кучларни ҳукуматга қарши қўйиш, бегуноҳ кишиларнинг қонини токиш, дин ниқоби остида террорчилик йўли билан ҳокимиятни эгаллашга бор кучини сарфлаш.³²

Президентимиз Ислам Каримов бу оқимнинг барқарорликка таҳдид солаётган тўғрисида гапириб, «халқимизнинг табиатига мутлоқо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз ташкилотларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажакига ката хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак»³³ лигини таъкидлагани бежиз эмас.

«Ҳизбут таҳрир» аъзолари ҳам бошқа диний экстремистик ташкилотлар каби мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятга келишга интиладилар. Ягона сийсий,

³² З. Шусниддинов «Ислам йўналиши, мазҳаблар ва оқимлар» Тошкент-2000й 98 бет

³³ И.А. Каримов. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон шаёт пировард маъсумимиз», Ўзбекистон-2000й 37бет

иқтисодий ва ҳудудий кенглик –халифалик давлатини қуриш уларнинг асосий ва сўнги мақсадлари бўлиб ҳисобланади.

«Ҳизбут таҳрир»нинг расмий фаолият кўрсатиши араб давлатларида таъкидланган. Ушбу партиянинг Иорданиядаги масъули шайх Аҳмад ад-Даур 1969 йили ҳукуматни эгаллашда айбланиб қатл этилган. Партиянинг 32 аъзоси Мисрда судланганлиги маълум.³⁴

«Ҳизбут таҳрир» ташкил топган йилдан бошлаб 12 йил ичида бутун дунёда халифалик ўрнатамиз дейишган. 12 йил ўтгандан сўнг 30 йилга кўчирганлар. 30 йил ҳам ўтди улар ҳатто 1 давлатни ҳам халифалик ўрнатолмадилар. Улар демократияни тан олмайдилар бунга исбот уларнинг китоби «демократия куфр низоми», лекин кулгиллиги шуки уларнинг штаб квартираси Англияда жойлашган. Англия эса демократик давлатдир.

Бундай ташкилот сиёсий беқарорлик, иқтисодий таназзул, энг ёмони биродаркушлик, хунрезликка келтириб чиқаради.

Ислом Давлатининг тушунчаси, унинг асослари

- Ислом Давлатининг тушунчаси, унинг асослари?

диний нуқтаи назардан ҳозирги кунда ислом давлати мавжудми?

- Мавжуд бўлса у қандай кўринишда, ундаги бошқарув тизимлари қандай?

-Ҳозирги давлат тизимларидан ислом давлатининг фарқи?

-Халифалик, амирлик давлатининг тушунчаси, улар ўртасидаги фарқ?

-«Ихвон ал-Муслимун», «Ҳизбут –Таҳрир ал Исломи», «Ислом жиходи», «Ўзбекистон(Туркистон) Ислом ҳаракати»,

³⁴ З. Щусниддинов «Ислом йыналиши, мазшаблар ва оимлар» Тошкент-2000й 98 бет

«Толибон», «Акримийлар» ва шу каби диний ақидапараст террорчи ташкилотларнинг даъво қилаётган ислом давлати, «Ҳалифалик»нинг юқоридаги давлатлар орасидаги боғлиқлиги?

- «Хизбут-Тахрир» ва «Акримийлар даъво қилаётган давлатнинг шакли, худуди, бошқарув усули қандай, уларнинг ўхшашлик ёки фарқи нимадан иборат?

- «Хизбут Тахрир» Пайғамбар (с.а.в.)дан кейинги 30 йилда фаолият юритган ҳалифалик давлатини назарда тутадими ёки унинг замонавий турлариними?

- «Акримийлар» ўзи нима- оқимми, сектами, гуруҳми ёки партиями?

-«Хизбут Тахрир ва Акримийлар» ўртасидаги боғланиш, фарқ ва ўхшашликлар нимадан иборат?

-Акрам Йўлдошев 2005 йилнинг май ойида Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари бошланишидан аввал ўз издошларига террорчилик ҳаракатларини бошлаш учун фотиҳа берган. Шу ҳаракатларни қандай баҳолаш мумкин. Уни диний уламо сифатида фатво бериш ҳуқуқи борми, умуман фатво бериш ҳуқуқи кимга берилган.

Юридик фанлар доктори Тошкент Ислом Университетининг
Ислом ҳуқуқи кафедраси мудирини Абдуҳаким Жузжонийнинг

Ж а в о б л а р и

- Ислом давлати деганда, барча ташкилотлари хатти ҳаракати ва фуқароларнинг барча амалий фаолиятлари ислом шариати қонун қоидаларига асосланган давлат тушунилади.

Ақидапараст экстремистлар кўзлаган бундай давлатда қонун чиқарувчи мустақил органлар, мустақил суд тизими, демократия тушунчаси мавжуд бўлмайди, барча давлат идоралари, давлат ходимлари ва барча фуқаролар бундай давлат бошқарувида

турган раҳбар (Ҳалифа, Амир)га бўйсунушга мажбур бўладилар. Ислом давлатида сиёсий ва ақидавий плюрализм мавжуд бўлиши мумкин эмас, давлат ишларини юритиш учун фақат Қуръон ва сунна (пайғамбарнинг ҳадислари ва улар бажарган амаллар)га таянилади.

- Диний нуқтаиназардан ҳозирги кунда шиа мазҳаби (жаъфарий шиалар мазҳаби) асосида қурилиб ўзига хос конституциявий тизимга айлантирилган ислом давлати мавжуд. 1358 ҳ.й. қабул қилиниб, 1368 ҳ.й. бир қатор ўзгартиришлар билан тасдиқланган конституциянинг биринчи моддасида «Эрон Ислом Республикаси» деб номланган.

Ушбу конституциянинг иккинчи моддасига кўра ушбу давлат қўйидаги принципларга асосланган:

1. ягона ҳудога (Ла илаҳа иллаллоҳ), барча ҳокимият ва қонун тузиш ваколати унга хослиги ҳамда унинг буйруқларига бўйсунуш;

2. илоҳий ваҳий (яъни Қуръон), қонунларни баён этишда унинг асосий ролига;

3. қиёмат куни ҳақлиги, инсоннинг ҳудога қараб ривожланишига унинг ўрни;

4. яратиш ва қонун тузишда Аллоҳнинг одиллиги;

5. имомат ва доимий раҳбарлик, ислом инқилоби давомийлиги учун асосий роли;

6. яратувчи тўғрисида масъулият сезган ҳолда инсоннинг олий қадрият эканлиги ҳақида...

Асосий қонуннинг тўртинчи моддасига кўра барча фуқаролик, жинойт ва жазо, молия, иқтисодиёт, идора, маданият, ҳарбий, сиёсий ва бошқа соҳаларда чиқариладиган қонунлар ва қонуний актларнинг барчаси исломий меъёрлар асосида тузилиши керак.

Ушбу асосий қоида конституциядан тутиб барча қонунлар ва қонуний актлар устидан ҳоким ҳисобланади. Уни белгилаб бериш «шурои ниғаҳбон» фақиҳларининг зиммасидадир.

Шиа мазҳаби ҳокимият масаласи бўйича шунга асосланганки, уммат (яъни барча ислом жамоаси) ва давлат раҳбарлиги ваколати фақат имомлар яъни пайғамбар неваралари бўлмиш Али ва Фотимадан туғилган эркак авлодларга хосдир. Охирги ўн иккинчи имом ғолиб бўлган (имом маҳдий). Бир кун келиб у барча ҳокимиятни ўз қўлига олади ва дунёда тинчлик ва адолатни барқарор қилади. У ўзини кўрсатиб майдонга чиққунга қадар конституциянинг бешинчи моддасига кўра: Эрон Ислом Республикасида вилояти амр ва умматнинг раҳбарлиги, одил, тақволи, замонни билувчи, жасоратли, идора этиш қобилиятига эга ва тадбирли фақиҳ (дин буюк олими)нинг зиммасида бўлади.

Раҳбар (Ҳалифа, Амир) барча давлат органларидан устун туради, 110 модданинг 11 бандига кўра раҳбар барча асосий диний сиёсий, ҳарбий, ҳуқуқий ваколатлар, Президентни бўшатиш, уруш ва тинчлик эълон қилиш ваколатларига эга ҳисобланади.

Ислом асослари ва конституцияни муҳофаза қилиш учун 12 та фақиҳ ва ҳуқуқшунос мусулмонлардан таркиб топган «шурои ниғаҳбон» 270 кишидан таркиб топган парламент томонидан қабул қилинган барча қонунлар ва чиқарилган қарорларни назорат қилади, агар уларни ислом шариатига хилоф деб билса, уни вито қилиб рад қилиши ҳуқуқига эга.

Эрон Ислом давлати 26 йилдан буён шиа мафкурасининг асосий қоидаларини қаттиқ қўллик билан татбиқ этиб келди, лекин кейинги йилларда бир қатор ички ва ташқи омиллар таъсири остида ўз диний сиёсатига анча ўзгартиришлар киритиб, баъзи бир кичик ислохотларни амалга ошириб келмоқда.

Шиа мазҳабидаги типда аҳли сунна вал жамоа мамлакатларида ислом давлати мавжуд эмас.

- Ҳозирги давлат тизимларидан ислом давлатининг фарқи шундаки, ислом давлатида ҳокимият фақат Аллоҳники бўлиб, мамлакат ва фуқароларга тегишли барча қонун ва қоидалар ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича исломни тамсил этишни даъво қилувчи раҳбарлар назорати остида бўлади, ҳеч қандай асосий ислоҳот, демократия ва дунёвий қонунлар яратиш учун имконият бўмайди, парламент, фикр эркинлиги ва виждон эркинлиги учун муносиб замин мавжуд эмас.

- Халифалик пайғамбардан кейин амалга оширилиб 30 йил давом этган давлат доктринасидан иборат эди.

- Амир сўзи тўртта халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али)га нисбатан берилиб, улар «Амирулмуъминин» яъни «мусулмонлар амири» деб аталган бўлса ҳам, ҳокимият ҳазрат Алидан Умавийларга ўтгандан кейин амирлик асосан дунёвий давлатлар номи бўлиб келди. Машҳур ҳуқуқшунос олим «ал Аҳком ус - султония...» китоби муаллифи ал Мовардий ёзишича, Аббосийлар халифалиги территориясида (ҳудудида) бир қатор султонликлар ва амирликлар мавжуд бўлиб, ўз ҳудуди ва қўшинларига эга эди, масалан, Салжуқийлар, Ғазнавийлар салтанатлари. Албатта уларнинг ҳеч бири халифалик деб аталмасди ва дунёвий давлатлардан иборат бўлиб монархия эди ва мерос орқали авлодларга ўтиб турарди. Ҳозирги кунда ҳам айрим араб давлатлари амирликлар деб аталади, лекин улардан бирортаси ҳам халифалик моҳиятига эга эмас, масалан Форс кўрфазидаги араб амирликларини айтиш мумкин.

- «Ихвон ул муслимун» ва «ҳизбут таҳрир алисломи» томонидан даъво қилинаётган халифалик, классик шаклдаги давлатни баъзи бир ўзгартириш йўли билан замонга мослаштириб татбиқ этишдир. Масалан, Хизбуттаҳрирнинг раҳбари Тақиюддин Набаҳоний томонидан ёзилган «низом ул - ислом» (ислом низоми) номли китобида, келажак ислом давлати ёки халифаликнинг асосий қоидалар дастури (конституцияси) берилган. Унга кўра ушбу давлат фуқаролари «уммат» ёки «умма» деб атайди. Қиёдат (эгаллик) шариатники, халқники эмас (16 модда). Давлат тепасида ўтирган ягона раҳбар 10 моддага кўра исломни бутун дунёда тарқатиб, барча динлар тарафдорларини ислом эътиқодига киргизиб, ислом байроғи остида бирлаштириши шарт. Қуриладиган давлатда демократия, ватанпарварлик ғояларига ҳеч қандай ўрин йўқ. Ягона тил араб тили бўлиб, барча фуқароларни асосий тили хисобланади. Араб тили – ислом тилидир, давлат фақат мана шу тилни истеъмол қилади (17-модда).

Таҳрирчилар қуришни орзу қилиб юрган давлатда икки хил армия бўлади, биринчиси мажбурий ҳизмат армияси, иккинчиси жиҳод қўшини. Ушбу қўшинда 15 ёшдан бошлаб ҳарбий хизматга чақириладилар. Ҳарбий хизматга ёши катта қариялар ҳам иштирок этиб, уруш қоидалари, ҳарбий тактика турли қуролларни ишлатишни ўзлаштириб борадилар.

Исломиё давлатнинг раҳбарлик органларида аёллар қатнашиши тақиқланади (104 модда).

«Ўзбекистон (Туркистон) Ислам ҳаракати» деб номланган террорчи ташкилот, Афғонистоннинг «Толибон» ҳаракати билан бир сафда кураш олиб борганлиги сабабли уларнинг фикрий мақсадлари бир, яъни ислом давлатини тузишдан иборатдир.

«Толибон» лар тузиб қисқа муддат фаолият юритган давлат ислом халифалигига тақлид қилиб қурилган, «ражжолла давлати» яъни оёқ яланглар давлати тарифланади. Давлат тузуми анархияга асосланган бўлиб, бу давлатни ҳеч қандай ҳуқуқий асос, қонуний тизимга эга канлигидан далолат берувчи қонунлари мавжуд эмас. Ислом қоидалари шариат томонидан белгиланган барча меъёрларга хилоф жоҳилона шаклда амалга оширилиб, ислом ва шариат, одамларни хўрлаш, фуқароларга зулму-жабр ўтказиш каби принципларда фаолият юритди ва инқирозга учради. «Толибон» давлат тузумининг ҳеч қандай иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий режаси бўлмаган.

Бу давлат тузуми Афғонистон Республикасини эгаллаб, ўз ҳокимиятини бутун ўлка бўйича ўтказишга қодир бўлган бўлса ҳам, Арабистон ва бирикки кичик амирликлардан бошқа ҳеч бир давлат ва БМТ томонидан расман бу давлатни тан олмаган. Чунки дунё хамжамияти уларни ислом дини, инсон ҳуқуқлари ва халқаро миқёсда қабул қилинган барча қонунлар ва қадриятларга қарши деб биларди.

Акромийлар бу Хизбут Таҳрир ал Исломийдан ажралиб чиққан сўл динийсиёсий оқим бўлиб, унинг асосчиси 1963 йилда Андижон шаҳрида туғилган Йўлдошев Акрам Сотволдиевич «Хизбут-таҳрир»дан олган билимларига таяниб, лекин улардан фарқли равишда 12 дарсдан иборат «Имонга йўл» деб аталган дастурни ишлаб чиққан. Ушбу дастурда оқимнинг пировард мақсади ислом давлатини барпо этишдан иборат экани таъкидланган.

Дастурда қайд этилишича оқим «Сирли», «Моддий», «Маънавий», «Узвий майдон», ва «Охират»каби беш босқичда фаолият юритиб, сўнги босқич «охират» да «Акромийлар» асосий мақсадлари –ҳозирги конституциявий тузумни ағдариб

ташлаб, ўзларининг ҳокимиятларини ўрнатиш йўлида фаолият олиб борадилар.

Акромийларнинг фикрича ҳозирги кунда мусулмонларга намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини бажариш шарт эмас дейдилар, чунки биз куфр давлатида яшамоқдамиз бу эса қайд этилган амалларни ислолм давлати қурилгунига қадар бажармасликка имкон беради деган фикрни олдинга сурадилар.

Улар фақат Аллоҳгагина ишонадилар, пайғамбарга имон келтирмайдилар. Улар давлатга, қонунқоидаларга ҳам, отаонага ҳам эмас, балки фақат оқим сардорларига итоат қилиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб, Ҳизбут таҳрир билан Акромийларнинг асосий мақсадлари битта, яъни сўзи бир хил бўлмаса ҳам мазмун ва моҳияти бирдир, яъни «хилофат-халифалик» ва «ислом давлати» бир хил мазмун моҳият, ҳамда мақсадни ифодалайди.

- «Ҳизбут таҳрир» пайғамбардан кейин 30 йил давом этган «хилофат» (халифалик) назариясини бир оз ҳозирги замон руҳига мослаштириб амалга ошироқчи бўладилар. (Уларнинг «Халифалик қандай тугатилган» ва «Ислом низоми» номли китобларига қаралсин).

- Акромийлар бу динийсиёсий оқим бўлиб, яширин шаклда фаолият олиб боради ва кенг маънода системали шаклдаги ташкилотга эга (бу ҳақда кенгроқ маълумот учун қаралсин: Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. 3. Ҳуснидинов, Моварауннаҳр, 2000).

- Акром Йўлдошев ўз тарафдорларига Андижон ҳодисасидан олдин террорчилик ҳаракатини бошлаш учун фотиҳа бергани, урушни бошлаш, террор қилиш ва одам ўлдиришга тарғиб этиб рухсат беришдан иборат. Бу эса фатво маъносида, негаки фатво

бирор ишни бажариш учун рухсат бериб, уни қонуний деб ҳукм чиқариш ёки бирон ишни ноқонуний ҳисоблаб, уни бажаришдан тақиқалашдан иборатдир.

Асосан қатл ва одам ўлдириш, гуноҳсиз мусулмонларга қилич кўтариш ёки ўқ узиб уларни ўлдириш ислом қонунида қатъиян харом қилинган, Қуръон ва ҳадисларда таъкидланган ва шариат харом қилган нарсани ҳеч ким ҳалол деб ҳукм чиқариш ваколатига эга эмас.

Фатво бериш ваколати, билимсиз ва оддий мулла ёки диндорларга берилган эмас. Фатво бериш ваколати Қуръон илмлари яъни тафсир, қироат, ҳадис, фикҳ, усули фикҳ, араб тили ва адабиётига кенг кўламли маълумотга эга бўлиб, мужтаҳидлик малакасидан баҳраманд бўлган тақволи, эътибор ва ҳурматли зотларга берилади. Муҳим масалалар бўйича коллектив шаклида иқтидорли олимлар томонидан фатво берилади.

Акром Йўлдошев бир оми калтабин ва чуқур диний билимларга эга бўлмаган одам бўлгани учун ҳеч қандай фатво бериш ваколатига эга эмас.

Хулоса

XX аср ижтимоий-сиёсий ривожланишининг бош йўналиши мазлум халқларнинг ўз озодлиги учун кураши бўлди. Халқаро майдонда мустамлакачилик сиёсати сиёсий воқелик сифатида инқирозга учради, Аср охирига келиб тақдир тақозоси билан жаҳондаги энг йирик империя ҳисобланган СССР қулади. Ер шарининг олтидан бир қисмини эгаллаб турган улкан мамлакатда қарамликда яшаган халқлар истиқлолга эришди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб мустақил давлатчилигини тузишга киришди.

Ҳар бир давлат ўз асослари негизида ривожланади, шу билан бирга иқтисодиётда, сиёсатда, мафкурада, ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгда тобора умумийлик жиҳатлари вужудга келмоқда. XXI аср давлатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими инсоният бой тажрибасининг барча ижобий томонларини синтези билан характерланади. Ушбу тажрибалар барқарор ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт учун энг мақбул шарт-шароитни демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти вужудга келтиришини тасдиқлайди.³⁵

СССРнинг қулаши билан Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятидан ажралиб қолишига барҳам берилди. Қадимий ўзбек миллий давлатлари, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва темурийлар, ўзбек хонликлари давридаги сингари Ўзбекистон яна ўз ташқи сиёсатини мустақил белгиламоқда. “Мустақиллик ва суверенитет жаҳон ҳамжамиятига, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишимизга имкон яратди”.³⁶

³⁵ А Саидов. “Халқаро ҳуқуқ” Адолат 2001 й 5 бет

³⁶ И.А. Каримов. “Ҳозирги босқичда демократик ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари” - Тошкент “Ўзбекистон”, 1996 3 бет

Ўзбекистон халқи ўзини халқаро ҳамжамиятнинг таркибий қисми сифатида англамоқда. Бу Ўзбекистон Республикасининг фақат бошқа давлатлар билан ҳамкорликдагина таъминланиши мумкин бўлган миллий манфаатларига тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати-бу жаҳон ҳамжамияти тенг ҳуқуқли аъзосининг, бошқа давлатлар билан ҳамкорликда XXI аср халқаро ҳуқуқий тартиботини яратаётган суверен давлатнинг сиёсатидир. Ўзбекистон мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистонни 200та давлат тан олган. Дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакат расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Тошкентда 40та мамлакат ўз элчихонасини очган. Бугунда кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда.

Ҳозирги замон халқаро алоқаларида халқаро ташкилотлар давлатлар ҳамкорлигининг шаклларида бири сифатида муҳим роль ўйнайди. Халқаро ташкилотлар тизимининг мураккаблашиб бориши ваколатларининг кенгайтирилиши табиий тус олмоқда. XXI Аср бошида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг сони 4000дан ортиқ бўлиб, 300таси ҳукуматлараро ташкилотлардир³⁷. Ўзбекистон Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди.³⁸ Ўзбекистон иқтисодий ва молиявий ташкилотлар

³⁷ А. Саидов “Халқаро ҳуқуқ” “Адолат”, “ИИВ Академияси”-2001 164 бет

³⁸ И.А.Каримов. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Тошкент “Ўзбекистон 1998” 28 бет

Халқаро валюта фондига, Халқаро қайта тиклаш ва ривожлантириш банкига ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлди.

Шарқ мамлакатлари билан ҳам ҳамкорликни ўрнатди, бунинг гувоҳи Исломий ташкилотларга яқиндан алоқалар ўрнатиб келмоқда. Ислом конференцияси, Ислом тараққиёт банки ва бошқа исломий ташкилотларга аъзо бўлиб, улар билан тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Умуман олганда Халқаро исломий ташкилотларнинг сони бир неча 100та сони мавжуд. Уларнинг йўналиши, тузилиши ва фаолияти хар хилдир.

Мусулмон давлатлари оламини халқаро ташкилотларни бунёд этиш орқали бирлаштириш ғоялари Биринчи жаҳон урушидан сўнг фаластинлик диний пешволари, мутахассислари ўртасида туғилган “Биринчилардан бўлиб буни Иерусалим муфтийси шайх Муҳаммад Амин ал-Хусайни билдирган”.1926 йили Маккада халқаро ислом конференцияси бўлиб ўтди. Унда 15 та мусулмон далаатларни қатнашчилари Жаҳон Ислом Конгрессини ташкил этишларини эълон қилган. 1931 йил навбатдаги Иерусалимда бўлиб ўтган сессиядан олдин Жаҳон Ислом Конгресси ташкилоти форумида Ижроия қўмитаси -доимий орган Жаҳон Ислом Конгресси сайланган. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг бир оз муддатга қадар ислом бирлаштириш ҳаракат маркази янги ташкил этилган давлат - Покистонга ўтди. 1951 йилда Карачида Жаҳон Ислом Конгрессини навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда 32 давлат ва мусулмон қабилалари иштирок этдилар. Сессияда Ислом Олами Конгрессини Устави таъсис этилди. Конгрессни бошқарув органи - Олий иттифоқ деб эълон қилинди ва у ўз мажлисларини хар йили ўтказиши ва бош котибни тайинланиши белгиланди.

Иордания қироли ёрдамидан фойдаланувчи ассоциация 15 та мусулмон давлатларни ўз тарафига жалб этган. (Миср, Эрон, Марокко, Жазоир, Сурия, Ливан, Саудия Арабистони, Иордания, Афғонистон, Индонезия ҳам шулар жумласидан). 1953 йилда улар янги халқаро ташкилотга асос солдилар, Иерусалим учун Умумий ислом конгресси унинг фаолияти энг бошидан Фаластин масалаларини хал этишга қарши эди. Бирлашган ислом фронтини тузиш тўғрисида ғоялар билдирилганига қарамай, бу иш амалга оширилмади.

1969 йилда Марокаш пойтахти Рабат шаҳрида Ислам конференция ташкилоти тузилган. Бу ташкилотнинг мақсади Мусулмон бирдамлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш, Фаластин халқи курашини қўллаб қувватлаш, адолатлик равишда халқаро тинчлик ва барқарорликка кўмаклашади. 1995 йилнинг январида Ислам Конференцияси Бош котибиятига мактуб юборилиб, унда Ўзбекистон кузатувчи мақоми бериш сўралди ва 1995 йилнинг октябрида Ўзбекистонга кузатувчи мақоми берилди. 1996 йилнинг президентимизнинг мактубларига биноан Ўзбекистон тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Шунингдек нодавлат ва ҳукуматлараро ислом ташкилотлардан ташқари ҳам кўпгина мусулмон хайрия ташкилотлар ва фондлар мавжуд.

Нефть экспорт қилувчи Араб давлатлари ташкилоти Қувайт, Ливия, ва Саудия Арабистони ҳукуматлари ўртасида 1968 йили имзоланган шартнома асосида ташкил қилинган. Унинг мақсадинефть ишлаб чиқариш бўйича турли иқтисодий фаолиятларда ҳамкорлик қилиш, ишлаб чиқаришнинг бу соҳасида, ҳам индивидуал ҳам жамоа давлат аъзоларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлларини аниқлаш, нефть етказиб

беришни тенг ҳуқуқлик ва адолатли шароитда таъминлашига кучларни бирлаштиради.

Қувайт халқаро хайрия жамғармаси 1989йил 30 январда Қувайт амири Жабр ал-Аҳмад буйруғи асосан бир қанча бошқа давлатлар жамғармалари билан бир қаторда Қувайт халқаро хайрия жамғарманинг асосий вазифаси-Африка, Оси ва Европа қитъасида мавжуд етимларга, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга ва ёрдамга муҳтож бўлган бошқа аҳоли қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб қувватлашдан иборат.

Исломиё ташкилотларни келиб чиқиши тарихига келадиган бўлсам буларнинг келиб чиқишининг 2 сабаби бор.

1. Биз биламизки тарихда Араб давлатларининг кўп қисми Европа давлатларининг колониялари бўлган. Улар мустақилликга эришганларидан сўнг бирлашиб, исломий ташкилотлар тузишга киришганлар. Буларга мисол Ислон конференцияси, унинг мақсадларидан биттаси ирқий дискриминация ва колониализм барча шаклларига барҳам бериш деб айтади.

2. Тарихда Усмон империяси шарқ мамлакатларининг кўп қисмини ушлаб турган. Усмон империясини қулаши янги ислом мамлакатларни бирлаштирувчи марказни ташкиллаштиришни тақазо этарди. Иккита жаҳон урушлари оралиғида диний томонларга асосланган 3 та халқаро ташкилотлар вужудга келди. Буларга Макка конвенцияси 1924 йилни июль ойида эълон қилинган, Қоҳира конвенцияси 1926 йил, Иерусалим конвенцияси 1931 йилги кирар эди. Бу Усмон империясини қулашидан сўнг, араб дунёсидан сиёсий саҳнага 3 та давлатни чиқиши оқибати эди. Ушбу янги сиёсий элита гуруҳларни пайдо бўлишини ўзи ҳам Европани таъсири натижасида бўлган эди.

1953 йил мисрлик журналист, адвокат, сиёсий эмигрант Махмуд Салим, Женевада ҳалқаро мусулмонлар съездини ташкиллаштирди. Форум иштирокчилари ўз таркибига Европа мусулмонларини жалб қилишни зарур деб ҳисоблади.³⁹

1954 йилда Саудия Арабистони, Миср ва Покистон таклифи билан умумий ислом конференцияси ташкил этилди. Мақсад Ислам Конференция Ташкилотини бир турини ташкил этиш эди, аммо бу янги ташкилот сиёсий эмас, балки маданий маърифий масалалар билан шуғулланишга қаратилган эди.

Ислам ташкилотлар ичида банк билан боғлиқ ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар орасида Ислам Тараққиёт Банки, Ислам Банклари Халқаро Уюшмаси, Африканинг иқтисодий ривожлантиришнинг Араб банки ва бошқа исломий банклар мавжуд. Исламдаги банклар фаолияти ва аҳамияти халқаро банклар тизимидан фарқлидир. Бутун дунё кредит амалиётида энг кўламли фойда олиш йўли бу фоизлар орқали фойда олиш каби молиявий операциялар бўлса, исломда бу тақиқланган. Шу туфайли ислом банклар фойда олиш учун бошқа қийинроқ механизмларга таяниб иш олиб борадилар. Мусулмон тушунчаси бўйича агарда иш билармон маълум бир ишга ўз ҳиссасини қўшса, масалан капитал, меҳнат ёки ўз тажрибасини киритса у ҳолда фойда қонуний бўлади.⁴⁰

Исламий ташкилотлар орасида исломдаги ноҳукумат диний-сиёсий ташкилотлар ҳам мавжуд. Уларнинг сони 132 тадир. Уларнинг йўналиши динни ниқоб қилиб олади ва ўзининг сиёсий мақсадларидан фойдаланиб, террорчилик ишларини олиб боради.⁴¹ Уларнинг айримлари “Ҳизбут таҳрир”, “Ваҳҳобийлик”, “Ҳамас”, “Нур” ва бошқа экстремистик ташкилотлардир.

³⁹ Интернет “Ўзгариб бораётган даврда исломий ташкилотлар”

⁴⁰ Интернет “Всемирный исламский организаций”

⁴¹ Зухриддин Хусниддинов “Ислам, йўналишлар, мазҳаблар ва оқимлар” Тошкент-2000й

Афсуски, диний экстремистик ва фундаменталистик ғояларни тарғиб қилувчи ёвуз кучлар ёш Ўзбекистон давлатини ҳам четлаб ўтмади. Ёш мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишидаги барқарорлик, тинчлигига раҳна солмоқчи бўлган уюшган экстремистик жиноятчилар давлат сарҳадларидан ўтиб жиноий мақсадларини амалга оширишда асосан ёшлардан фойдаланишга уриндилар.⁴²

Таъкидлашки лозимки, Ўзбекистон Республикасиси Президенти Ислам Каримов диний экстремизмнинг хавфли жиҳатларини таҳлил қилиб: "...мintaқамизга тажовузкорона хатти-ҳаракатлар, диний экстремизм, ақидапарастлик ва халқаро террорчиликнинг ёйилиши хавфи кучайиб бораётганлиги"лигидан⁴³ барчани огоҳлантирган эди.

Уларнинг йўналишига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратдим.

1. Умум муслмон сиёсий ташкилотлар.
2. Mintaқавий сиёсий ташкилотлар.
3. Умум муслмон молиявий ташкилотлар.
4. Ноҳукуматлараро террористик (экстремистик) сиёсий ташкилотлар.

Хулоса қилсак, расмий Халқаро исломий ташкилотлар ҳозирги кунда нафақат Араб мамлакатларида балки бутун дунёда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Халқаро исломий ташкилотлар халқаро тузилма бўлиб, унинг таъсис этилиши ва фаолияти халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Ҳозирги пайтда ноҳукумат диний-сиёсий ташкилотлар кўпайиб бораётганлиги сабабли исломий ташкилотларни айрим шахслар бир инсонлар уларни экстремистик ташкилотларга киритиб

⁴² М.Ражабова "Диний экстремизми ва террорчилик" Тошкент-2000й 44 бет

⁴³ И. А. Каримов "Халқ сўзи", 1999й 25 ноябр

қўйдилар. Мен ислом университети магистранти сифатида уларнинг келиб чиқиши, ҳозирги даврда уларнинг аҳамияти, мақсадлари ва турларига бўлиб, ноҳукумат диний-сиёсий ташкилотлар ва исломий ташкилотлар ўртасидаги фарқларини ёритиб бердим.

Фойдаланилган адабиётлар:

- И.А. Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Ўзбекистон-1998й
- И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» Ўзбекистон-1997 й
- И.А. Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддас»
- И.А. Каримов «Халқ сўзи»1999йил 25 ноябр
- З.Хусниддинов «Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар» Тошкент-2000й
- З.Хусниддинов. «Ислом ва диний экстремизм» ғоялар кураши Халқ сўзи 1999йил
22 сентябр
- Қуръони Карим Абдуллазиз Мансуров тажимаси
- М.Ражабова. «Диний экстремизм ва террорчилик» Тошкент 2000й
- Ислом справочник Тошкент1989й
- А.Саидов. «Халқаро ҳуқуқ» адолат 2001й
- Исламский вестник «Арабский исламский банки»
- Исламский вестник «Арабский исламский фонд»
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси маълумоти
- Интернет www. «Ўзгариб бораётган даврда халқаро исломий ташкилотлар» mail
ru
- Интернет www. «Организация Исламской конференций» mail ru
- Интернет www «Исламский банк развития» mail ru
- Интернет www «Всемирная исламская лига» mail ru
- Интернет www «Cooperation council for the arab states of the gulf»
- Интернет www «Organization of arab petroleum exporting countries»
- Интернет www «Международной исламской организации»
- Интернет www «Многосторонние банки развития»
- «Ал-мавсуа» Ар риёд
- Абу Захра «Тарихул мазохибил исломия»